

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ
АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Қулёзма ҳуқуқида

УДК: 72

Михманов Дилшодхўжа Илхом ўғли

**“Тошкент вилояти Қибрай туманидаги маҳалла
марказларининг архитектуравий шаклланиши”**

5А340101 - “Бино ва иншоотлар архитектураси”

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий рахбар:
проф. Иноғомов Б.И.

ТОШКЕНТ – 2017

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Маҳалла марказлари ташкил топишининг ўзига хос хусусиятлар.	
1. Маҳалла марказларининг тарихий шаклланиши.....	7
2. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги маҳалла марказларининг тарихи ва шаклланиши.....	22
3. Маҳалла марказларини классификацияси ва типлари.....	32
I боб бўйича хулоса	55
II боб. Қибрай тумани бўйича маҳалла марказларининг композицион асослари ва унга таъсир этувчи омиллар.	
1. Маҳалла марказларига таъсир кўрсатувчи табиий-иқлимий ва ижтимоий иқтисодий омиллар.....	56
2. Маҳалла марказларини лойиҳалашда уларга қўйиладиган талаблар.....	60
3. Маҳалла марказларининг архитектуравий-лойиҳавий ечимлари тахлили.....	69
II боб бўйича хулоса	72
III боб. Қибрай тумани бўйича маҳалла марказларининг ривожланиши учун таклифлар ва лойиҳавий ечимлар.	
1. Маҳалла марказларининг ривожлантиришнинг турли усуллари.....	73
2. Маҳалла марказларининг архитектуравий-бадий ечимларига таклифлар.....	75
III боб бўйича хулоса	86
Якуний хулоса	87
Фойдаланилган адабиётлар	
Иловалар	

КИРИШ

Мустақиллик йилларида ушбу ноёб жамоат институтининг нуфузи ошиб, чинакам қадриятлар масканига айлана бошлади. Одамларнинг турмуш тарзи, хонадонлардаги маънавий муҳит маҳаллаларда ойнадек ўз ифодасини топгани сайин бу тузилмага алоҳида эътибор қаратилди.

Шу боис маҳалла фаолларига янада кўпроқ имконият берилиб, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди.

Бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига кўплаб вазифалар юклатилган. Шу боис уларнинг моддий-техник базаси такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 8-қарори “Обод маҳалла йили” дастури тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил 3-сон, 26-модда) Маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини мустаҳкамлашдаги нуфизини кўтариш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2003 йил “Обод маҳалла йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилган бу қарорда қуйидагилар кўрсатилган:

маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги роли ва мақолмини янада мустаҳкамлашга;

маҳалла фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга, унинг ваколатларини кенгайтиришга ва фуқаролик жамияти институти сифатидаги масъулиятини ошириш;

маҳалла фаолиятининг моддий базасини мустаҳкамлашга, маҳалла ҳудудда тадбиркорликни, хизматлар кўрсатиш ва савдо соҳаларини ривожлантиришга, шулар ҳисобига янги иш ўринлари барпо этишга;

маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, унинг ҳудидларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, болалар ва спорт майдончаларини жихозлашга, коммунал тармоқларни ривожлантиришга;

кекса авлодга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга;

маҳалла аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатилишини яхшилашга, болалар спортини ривожлантиришга;

маҳалланинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат ва маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ миллий қадрияти ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилсин.

2017 йилнинг 1 апрел куни шаҳар ҳокимлигида жорий йилнинг 31 март Тошкент шаҳар ҳокими томонидан имзоланган “Тошкент шаҳрининг туманлари ҳудудида “Замонавий маҳалла марказлари намунавий лойиҳасини жорий қилиш тўғрисида”ги 333-сонли қарор мазмун-моҳиятини аҳолига, хусусан тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида брифинг ташкил этилди.

Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4944-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 мартдаги селектор йиғилишидаги топшириқлар ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 сентябрдаги 73-сонли баённомаси ижросини таъминлаш, Тошкент шаҳар туманлари ҳудудларида миллий урф одатга мос “Замонавий маҳалла” намунавий лойиҳаси (Юнусобод туманидаги “Увайсий” маҳалласи мисолида) асосида, маҳаллалар ҳудудида таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, шунингдек, замонавий маҳаллаларни ташкил этиш орқали ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган.

Унга кўра, тадбиркорлик субъектлари томонидан Тошкент шаҳридаги барча маҳаллаларда “Замонавий маҳалла” намунавий лойиҳа асосида маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчилари, профилактика инспектори учун хоналар, қариялар учун дам олиш хонаси, кутубхона, коммунал тўловларни қабул қилиш шохобчаси, барча шароитлари мавжуд ўриндиклар, соябонлар, болалар майдончаси ҳамда дам олиш майдонлари, енгил конструкциялардан иборат ёшлар учун спорт иншоотлари, кичик архитектура шакллари ва фавворалар, тунги ёритгич мосламаларидан ташкил топган маҳалла маркази, шунингдек гўзаллик салони, савдо шохобчаси, нонвойхона, поябзал таъмирлаш устахонаси, маиший техникалар таъмирлаш устахонаси, кичик хажмдаги кийим-бош таъмирлаш ателеси, кичик ва ўрта бизнес (худуд экологияси, жамоат тартиби, фуқаролар ҳафсизлиги ва тинчлигига таъсир этмайдиган) фаолияти учун, кичик ўқув ва спорт марказидан ташкил топган савдо ва маиший шохобчаларини ташкил этишга рухсат берилади.

Маҳалла маркази ҳамда савдо ва маиший шохобчалар ташкил этиш, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва туман ҳокимликлари томонидан тавсия этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Замонавий маҳалла” намунавий лойиҳаси асосида ташкил этилган, маҳалла маркази ҳамда савдо ва маиший шохобчаларини қуриш ихтиёрини билдирган тадбиркорлик субъектларининг мурожаат ва лойиҳалари эътибор билан ўрганилиб, уларга ер майдонини ажратиш бўйича туман ҳокимлари, Савдо-саноат палатаси шаҳар бошқармаси, Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими томонидан шаҳар ҳокимлигига асосланган таклиф киритилади. Ушбу лойиҳани амалга оширишда ихтиёр билдирган тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредит берилади.

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг асосий

масалалари, мавзу бўйича қисқача адабиётлар тахлили, тадқиқотда қўлланилган услублар, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий ахамияти, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг таркибий тузилиши ва ҳажми келтирилган.

I боб. Маҳалла марказларини архитектуравий шаклланиши ва унинг классификацияси, маҳаллалар ва маҳалла марказларини тарихий шаклланиши, Тошкент Вилояти Қибрай тумани шароитида маҳалла марказини шаклланиши, маҳалла марказларини классификацияси ва типлари тадқиқ этилган.

II боб. Маҳалла марказларини архитектуравий шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва талаблар, маҳалла марказларини архитектуравий шаклланишида иқлимнинг таъсири, маҳалла марказларига архитектуравий-лойиҳавий талаблар, маҳалла марказларини композицион шаклланиши ифода этилган.

III боб. Маҳалла марказларини архитектуравий шаклланиши бўйича таклифлар,

маҳалла марказларини архитектуравий-лойиҳавий композитсион ечимига талаблар, Тошкент Вилояти Қибрай тумани мисолида маҳалла марказларини лойиҳавий таклифи ифода этилган.

Хулос қисмида ўтказилган тадқиқотлар бўйича олинган амалий натижалар, тавсиялар ва таклифлар умумлаштирилган.

Мазкур диссертация аннотация, мундарижа, кириш қисми ва 3та боб ва ҳар битта боб хулосаси , адабиётлар руйхати ва иловадан иборат бўлади. Иллюстрация қисми (бош режалар, графиклар, схемалар, фото суратлар) доскалардан иборат.

I боб. Маҳалла марказлари ташкил топишининг ўзига хос хусусиятлар.

1. Маҳалла марказларининг тарихий шаклланиши.

«Маҳалла» атамаси арабча бўлиб, «урин-жой» деган маънони англатган. У турли минтақаларда маҳаллот (жой), гузар, жамоа, элат, элод номларда аталиб келинган. Гузар (арабча. محلة mahálla — «дастлабки кўнимгоҳ»; «лагерь»; «шаҳар квартали», от حل hálla «развязывать», «распутывать»; туркча. mahalle, узбекча. mahalla; уйғурча. مەھەللە/мәһәллә) — ислом мамлакатларида шаҳарнинг квартал билан тенг бир қисми айтилади. бунда асосан маҳалла марказлари масжидлар ҳисобланган. бунда маҳаллани ўзини ўзи бошқариш орқали амалга оширилади.

Маҳалла тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, жез даврининг ёдгорлиги бўлган Сополлитепада 8 та оила яшаган. Уларни фақат уруғ жамоасигина эмас, балки ишлаб чиқариш манфаатлари ҳам бирлаштириб турган. Кейинчалик уларнинг сафига патриархал тизим асосида 100 дан ортиқ оилалар келиб қўшилган. Катта оилалар жамоасини улар орасидан сайланган оқсоқол бошқарган. Оқсоқоллар ўз навбатида олий оқсоқоллар кенгашига бирлашган. Оқсоқоллар, одатда, жамоа — қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ барча масалаларни олий кенгаш орқали ҳал қилишган.

Мил. ав. III-асрдан мил. V-асринг бошларигача Фаргона (Паркана) давлатида ҳам оқсоқоллар кенгаши муҳим вазифаларни ҳал этган. Кенгаш, асосан, сулх тузиш, вазирлар таркиби ва солиқларни тайинлаш, уруш эълон қилиш, жамоа ишларига сафарбар этиш каби масалалар билан шуғулланган.

Адабиётларда маҳаллаларнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Наршахий узининг «Бухоро тарихи» асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир канча маҳаллалар бўлганини қайд этиб ўтган. Алишер Навоий ўзининг «Хайрат ул-аброр» асарида маҳаллани «маҳалла шаҳар ичидаги шаҳарча»дир деб

таърифлайди, Хирот ш. юз шаҳарча аҳамиятига эга бўлган маҳаллалардан ташкил топганлигини айтиб ўтади. Маҳаллалар, айникса, Амир Темур даврида равноқ топган. Маҳаллалар фуқароларнинг касб-кори асосида шаклланган ва шунга қараб номланган. Масалан, заргарлик, мисгарлик, кунчилик, пичоқчилик, қошиқчилик, темирчи, эгарчи, тақачи ва хоказо.



1. Расм. Қадимги маҳалла марказидаги чойхона ва дўконлар.

Маҳалла қадимда маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос бир шакли, кўриниши тарзида фаолият кўрсатган. Маҳаллани бошқариш жамоатчилик асосида олиб борилиб, ўзининг ёзилмаган ички тартиб-қоидаларига эга бўлиб, у ҳамма учун бирдек қонуний ҳисобланган.

Маҳалла кичик маъмурий ҳудуд бўлиши билан бирга, турмуш тарзи, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлигидир. Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар ўзгаришига қараб маҳалланинг вазифалари ҳам ўзгариб турган.

XX-асрнинг бошларидаёқ, маҳаллалар даҳа бошликлари — мингбошилар сайлайдиган юзбоши (оқсоқоллар) томонидан бошқарилган.

Юзбоши ва унинг ёрдамчилари маҳалладаги барча жамоат ишлари ва маросимларни бошқарганлар, шунингдек, фуқароларнинг шаҳар йиғинлари ва шаҳар муассасаларида маҳалла манфаатларини ҳимоя қилганлар.

Маҳалла раҳбарияти ариқ-ховузларни тозалаш, кучалар, йуллар қуриш ва маҳалла ободончилиги билан боғлиқ бошқа жамоат ишларини уюштирганлар. Бу ишларнинг барчаси биргаликда хашар йули билан амалга оширилган.

Маҳалла жамиятимизнинг тузилмаси сифатида тарихан бир қанча ривожланиш босқичларини босиб ўтди. У XX-асрнинг 1-чорагида ўзининг анъанавий шаклини олди.



2-расм. Самарқанд Чорсусидаги Атирлик-бозор ва масжид.



3-расм. Қадимги Тошкент маҳалла гузаридаги дорбозлик томошалари.

Совет ҳукумати Маҳаллага ўз умрини яшаб бўлган ўтмиш сарқити сифатида қаради. Шундан келиб чиқиб, у анъанавий миллий бошқарувларни бекор қилиш йули билан бу ерда саноатлашган «илғор» жамиятни қорор топтириш сиёсатини жорий этишга киришди. XX-асрлар бошларидан совет ҳукумати маҳаллалар вазифасини чеклаш, ўзига буйсундиришга интилди, бу ҳам маҳалла фаолиятига ўз таъсирини ўтказди. Бирок, Маҳалла ўзининг яшовчанлигини намоён этиб, анъанавий ҳаёт ва алоқа тарзига қарши ҳар қандай хужумларга ва уларни йуқотиш йулидаги уринишларга дош берди. У илгариги ҳаёт тарзи, урф-одат ва расм-русумларни сақлаб қолди.

1920—1930-йилларда маҳалла эски турмушга қарши «хужум»да — паранжи ташлаш ва хотин-қизларни озодликка чиқариш ҳаракатида иштирок этди. Шу билан бирга маҳалла саводсизликни тугатиш, оммани маърифатли қилиш, жойларни ободонлаштириш (йул, чойхона, мактаблар қурилиши)да муҳим аҳамият касб этди.

1932 йил 17 апрелда Ўзбекистонда биринчи маротаба шаҳарлардаги маҳалла кўмиталари туғрисида Низом чикди 1935— 36 йилларда

Маҳаллаларда оқсоқол бошчилигида маҳалла қумиталари ташкил этилиб, аҳоли ўртасида олиб бориладиган барча ишларни раис бошқарган.



4-расм. Қадимги Тошкент маҳалла гузаридаги кураш ўйинлари.

2-жаҳон уруши даврида маҳалла байнал-милалчилик табиатини намоён этди. Уруш даврида маҳалла қўмиталари армияга чақирувни ташкил этиш, аҳолидан посилка жунатиш, кучириб келтирилган аҳолини, болаларни жойлаштиришда фаол иштирок этди.

1961 йил августда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан чиқарилган «Республика шаҳар, қишлоқ, посёлкаларидаги ва овулларидаги маҳалла қумиталари тўғрисида»ги Низомда ҳам маҳаллага юридик шахс мақоми берилмаган эди. «Маҳалла қўмиталари бирон-бир молиявий хужалик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, улар олди-сотди, ижарага бериш ишларини бажаришда қатнашишлари мумкин эмас» эди. Маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари чекланган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ва 1993 йил сентабрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини-

ўзи бошқариш органлари туғрисида»ги қонунга биноан, Маҳаллалар ўз ҳукукий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимият таркибига кирди. Маҳаллалар давлатнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молиявий бюджетига, банкдаги ҳисоб-китоб рақамига — жамғармасига эгадир. Бу қонунга асосан, ҳар бир маҳалла ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини маҳалладаги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат курсатиши мумкин.

Ҳозирги пайтда маҳаллаларнинг бозор иқтисодиёти қонунлари асосида, ўз фаолиятларини ташкил этишлари учун барча имкониятлар яратилди. Улар, туй-маърака маросимларини ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ишлари билан шуғулланади. Кўпчилик маҳаллаларнинг ўз масжиди бор, турли маъракалар учун керакли ашёлар (дошкозон, идиш-товок, чойнак-пиёла, тобут ва бошқалар мавжуд. 1990-йилларда маҳалла ҳокимиятнинг расман қуйи юридик органига айланди. Маҳалла вазифалари анча кенгайди, у демократик давлатнинг энг муҳим бўғинларидан бирига айланди.



5-расм. Қадимги Тошкент маҳаллаларидаги масжид ва ҳунарманд хужралари.

Маҳалла ва унинг аҳолисининг ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маданий юксалишига ҳар томонлама ёрдам бериш, миллий анъана ва урф-одатларни бойитиш, маҳалла кўмиталари ишларини мувофиқлаштириш, маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар, кексалар, фахрийлар, ногиронлар, куп болали оилалар, етим-есирлар, байналмилалчилар манфатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида 1993 й. 17 авг.да Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилди. «Маҳалла» газетаси чиқа бошлади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов маҳалланинг ҳозиргизамон жамиятидаги моҳияти ва аҳамиятига қуйидагича баён беради: «Ўз-ўзини бошқаришнинг ҳалқимиз анъаналари ва кадриятларига жуда хос бўлган усули — маҳаллалар тизими сунги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормокда. Улар амалда ўз ҳукукларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг кўлидан келмайдиган иш йуқ унинг нуфузини кутариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу сиёсий, тар-биявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим».

Ҳар бир маҳалла аниқ ташкилий тузилмага эга. Унга маҳалланинг умумий йиғилишида сайланадиган маҳалла кенгаши раҳбарлик қилади. Кенгаш ўз таркибидан расман маҳалла йиғини раиси (оқсоқол)ни, ўринбосари ва қотибини сайлайди. Бундан ташқари, маҳалла кенгашига кекса, тажрибали кишилардан маҳалла оқсоқоли маслаҳатчилари ҳам сайланади. Кенгаш ҳузурида туй маросимларини ўтказиш, хотин-қизлар, ёшлар, уруш ва меҳнат фахрийлари билан иш олиб боровчи, жамоат тартибини сақлаш, ободонлаштириш, турар жой фондларини сақлаш ва хоқозо буйича комиссиялар тузилади.

Фуқаролик жамиятини куриб, албатта, кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради. 1999 й. 14 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш

органлари ҳақида»ги (янги таҳрирда) қонуни қабул қилинди. Бу қонундамаҳаллаўз ҳудудида савдо ва маиший хизматни, санитария ва экологик ҳолатни назорат қилишга кумаклашади, ёнган хавфсизлиги, турар жой фондини сақлаш аҳолидан солиқ ва мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тушишини таъминлашга ёрдам беради. Ана шу пул маблағлари тушумининг муайян миқдори ўз-ўзини бошқариш органлари жамғармасига ўтказилади. Бу маблағ кам таъминланган оилаларнинг уй-жой, коммунал хизматлари туловларига, шунингдек, маҳаллани ободонлаштиришга сарфланади. Эндиликда, ҳар бир маҳалла ўз маданий марказини гузарини кўриб, шу ерда чойхона, новвойхона, дукон, маиший хизмат шохобчалари, турли спорт ўйинлари масканини барпо этмоқда. Маҳалла қўмитаси ташаббускор жамоат ташкилотидир. Маҳаллада хўжалик-маданий қурилиш тадбирларини амалга ошириш, унинг ҳудудини ободонлаштириш, уй-жойларни ва ҳудудлаги шаҳар хужалигини сақлаш, озодалиқни таъминлаш, тартиб-қоида мустаҳкамлаш ва Х-к. учун шароит мавжуд. Маҳаллаларнинг аҳамияти мустақиллик шароитида кун сайин ўсиб бормоқда. Улар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъмин этишда, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуси билан 2003 й. Ўзбекистонда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 й. 7 февралда қабул қилган «Обод маҳалла йили» дастурига биноан, маҳалла нуфузини кўтаришга қаратилган муҳим вазифалар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасида жами 9627 фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатади, шулардан 6855 таси юридик шахс мақомига эга.

Биринчи президентимиз Ислом Каримовнинг бир қатор асарларида илгари сурилган ислохотларимизнинг асосий тамойиллари

туғрисидаги фикр ва қарашларида ҳам маҳаллани обод қилиш, яъни маҳалла гузарларини гўзал маҳалла масканларига айлантириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Жумладан, «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» номли асарида таъкидлаб ўтганидек, «Жамиятни демократиялаш тизимида, унинг асосий қоидаларини энг аввало, ижтимоий адолатни руёбга чиқаришда маҳалланинг ўрни ғоятда бекиёсдир. Маҳалла ҳозир халқ ишончини қозонган адолатли маскан ҳамда аҳолини қўллаб-қувватлаш механизми бўлиб қолди. У жамиятимизда ислохотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айланмоғи даркор».

Биноларни қуриш ва уларни лойиҳалашда миллий меъморчиликнинг анъанавий усуллари, миллий турмуш тарзи ва анъаналари, шунингдек, маҳалла гузари архитектурасининг ўзига хослигини ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Маҳалла марказларни ижтимоий-маданий ривожлантириш ғоят муҳим умумдават ва умумхалқ, вазифасига, ҳукуматимизнинг ҳозирги даврдаги зироатчилик сиёсатининг таркибий қисмига айланмоқда.

Шунингдек, маҳалла аҳоли ҳудудларининг яшашга қулай ва шинам тураржой биноларининг жамоат марказларида маҳалла гузарлари, қишлоқ врачлик пунктлари, кенг ва қулай дам олиш жойлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари ва ижтимоий бинолар билан мажмуа тарзда қурилиши ҳам бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Мавжуд аҳоли ҳудудларида яъни, маҳаллаларида янги жамоат марказлари пайдо бўлмоқда, маҳалла кўмиталари учун маъмурий бинолар шарқона услубда қад кўтармоқда, сартарошхона, дорихона, чойхона, савдо дўконлари ва тиббий хоналар аҳолига хизмат қилмоқда.



6-расм. Эски шаҳардаги “Урекъ-Али-Бай” масжиди ва дўконлар .

Шундай марказларни барча маҳаллаларда ташкил этишимиз, уларга маҳалла марказларидан жой ажратиб беришимиз лозим. Шунини таъкидлаш керакки, маҳалла аҳолисининг меҳнат шароити ва турмуш тарзи яхшиланиб маданий савияси ошиб борган сайин, уларнинг тураржой ва жамоат марказларига ва умуман яшаш муҳитга бўлган бадиий-эстетик талаблари тобора замонавийлашиб, кўп қиррали бўлиб бораверади.

Ушбу мавзу Республикамиз аҳолисининг ижтимоий ҳаётини яхшилаш ва иқтисодий ривожланишини таъминловчи энг муҳим долзарб муаммоларни ҳал этишга доир йўналишга асосланган. Ўзбекистон республикасининг ҳозирги замон ривожланиши босқичида аҳоли пунктларининг жамоат марказларини қурилишини кескин ривожлантириш талаб этилиб, аҳолининг жамоат бинолари турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, ва уларни таъмирлаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бу аҳоли сони табиий ўсишининг юқорилиги, аҳолининг маданий-маиший, маънавий ва моддий хизмат кўрсатиш иншоотлари ва ижтимоий

бинолари, аҳоли сонига нисбатан эҳтиёжини қондириш даражасининг пастиги ҳам бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан бошлаб Ҳукуматимиз томонидан архитектура ва шаҳарсозлик соҳасига асосий эътибор берилиб, шаҳарсозлик соҳаси фаолиятида бир қатор Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу соҳа юзасидан қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги замон ривожланиши босқичида маҳалла марказларини қурилишини кескин ривожлантириш талаб этилиб, аҳолининг жамоат бинолари турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, ва уларни таъмирлаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Самарқандда маҳаллаларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши узок тарихга эга. Кўпинча маҳаллалар ишлаб чиқариш ва хунармандчилик тамойилларига асосан юзага келган ва номланган. Кулолон – кулоллар, Заргарон – заргарлар, Сузангарон – тикувчилар, Чармгарон – чармчилар ва бошқалар номлари. Кўпинча маҳалла номлари ўша ҳудудда жойлашган архитектура ёдгорликлари билан боғлиқ бўлган. Масалан, Рухабод, Гўри Амир, Мадрасаи Сафеди, Оби Машат, Кош ҳовуз ва бошқалар. Маҳалла номлари маҳалла аҳолиси қачонлардир кўчиб келган шаҳар ёки қишлоқ номлари билан ҳам аталган.⁵ Тошканди⁶, Ургути⁷, Дахбети, Ҳавоси шулар жумласидан.

Ёзма манбаълар гувоҳлик беришича Самарқандда “Сангтарашон”, “Сабунпазон”, “Мирсаид ошиқ”, “Бўстониҳон”, “Дегрезон”, “Кемухгарон”, “Дари Арк”, “Работ” каби маҳаллалар мавжуд бўлган.

XX аср бошларида Самарқандда 103 та масжид ва шунча маҳалла мавжуд бўлган. Масалан, XX асрнинг 30 йилларига қадар Самарқандда “Пули Сафед” (Оқтошли кўприк) номли маҳалла мавжуд бўлган. Маҳаллада масжид, катта бозор бор бўлиб у ривожланган маданий анъаналари билан машҳур бўлган. XVII асрда бу ерда шоир Масехо Иваз Боқи яшаб ўтган. 1930 – 32 йилларда спиртли ичимликлар ишлаб

чиқарувчи заводни кенгайтириш мақсадида ушбу маҳалла йўқолиб кетган. Бундай ҳолатни XX аср охирларида “Рухобод” маҳалласи мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳозирги кунда маҳалла ҳудудида фақатгина Рухобод мавзолейи сақланиб қолган.



7-расм. Қадимги мадраса ва олдидаги катта бозор.

Маҳалла номлари қадимий шаҳарларнинг юзага келиши ва ривожланиши тарихини ўрганувчи тадқиқотчилар учун муҳим манбаъ бўлиб хизмат қилади. XIX аср охирига келиб Самарқанд шаҳрида 96 та гузар (маҳаллалар) мавжуд бўлиб унда 55 минга яқин аҳоли истиқомат қилган. Одатда ҳар бир маҳаллада 450 дан 800 га қадар аҳоли яшаган.

Вақт ўтиши билан маҳалла тузилиши ва вазифалари ўзгариб борган. Аммо ўз ҳудудида ўз ўзини бошқариш тамойилларини сақлаган ҳолда аҳолининг ижтимоий – иқтисодий алоқаларини бошқариб турган.

Совет ҳокимлиги даврида маҳалла институтлари сақланиб қолган бўлсада уларнинг фаолияти ҳокимият томонидан бошқариб турилган ва баъзи вазифалари соддалаштирилган ёки камайтирилган. Ўша вақтлар маҳалланинг маданий маркази қизил бурчакка эга бўлган чойхона

саналган. Кўпгина маҳаллалар қайта номланиб уларнинг бошқарув тизимида ислохотлар ўтказилган. Натижада ҳозирги кунга келиб маҳаллаларнинг эски номлари сақланиб қолмаган. Масалан, XVII асрда яшаган шоир Мулла Монеъ , яшаган маҳалла “Хон Саид Имом” номи билан юритилган бўлиб, XX асрда ушбу мавзе “Иттифок 60” деб номлана бошланганлиги боис ҳозирда унинг эски номини ҳеч ким билмайди.

Тошкент шаҳрида маҳаллалар хунарамандлар мавзеси сифатида пайдо бўлгани боис улар шунга мос ном билан номлана бошланган. Жумладан, Заргар маҳалласида заргарлар, Дегрез маҳалласида куймачилар, Ўқчи маҳалласида ўқ ёки найза ишлаб чиқарувчилар, тикувчилар, курувчилар, кулоллар, кабилар яшаганлар. Шаҳар кенгайиб бориши билан унда турли этник халқлар номлари билан боғлиқ маҳаллалар юзага кела бошлади. Масалан, Турк маҳалла, тожик маҳалла, Ўзбек маҳалла ва бошқалар. Шаҳар аҳолиси ўсиши билан янги тўтрав жойлар пайдо бўла бошлади. Жумладан, Турк Янги Шаҳар маҳалласи, кўкча янги Шаҳар маҳалласи ва бошқалар. (“Янги” сўзи рус тилига “новый”, “новая” деб таржима қилинади).

Кейинчалик Тошкент маҳалла номлари ўша маҳалла жойлашган ҳудуд номи билан атала бошланган. Масалан, Жангоп, жанг бўлган жой маъносини билдиради. XVIII асрда шу ерда Юнус хожи тарафдорлари ва шаҳарнинг бошқа қисмларидаги (даҳаларидаги) ҳокимлар билан жанг бўлиб ўтган.



8-расм. Тошкентдаги “Шайхонтахур” мақбараси ва атрофидаги дўконлар.

Маҳалла ва уйлар сони замонга қараб ўзгариб турган. Масалан, XIX аср ўрталарига келиб Тошкентнинг Шайхонтохур қисмида 10 та маҳалла, Себзор қисмида 38 та, Бешёғочда 32 та, Кўкчада 31 та маҳалла мавжуд бўлган. Тошкентнинг Шайхонтохур даҳасида жойлашган Оқмасжид маҳалласида 400 дан зиёд, Бешёғоч даҳасининг Қоратош маҳалласида эса 200 та, Себзор даҳасининг Самарқанд Дарвоза даҳасида эса 50 та хонадон мавжуд бўлган.

[1] Исраилова Шахноза Азамжановнанинг “Маҳалла марказларини архитектуравий шакллантириш ” мавзудаги диссертацияси 2014 й.

Эски Тошкентнинг ҳар бир маҳалласида ўзининг жамоат маркази бўлган. XIX- XX асрларда бундай марказ маҳалла масжиди (агар маҳалла катта бўлса, бир неча масжидлар), кўкаламзорлаштирилган ва сув ўтказилган ҳовузли майдонда гуруҳлашган чойхона иборат ва бошқа иншоотлардан бўлган. Маҳаллаларда хонадаонлар кўпайиши билан (ҳовлиларни меросхўрларга бўлиб бериш ҳисобидан) кўчалар тобора торайиб борди ва охирига бориб бир қанча тор кўча ва боши берк кўчаларга бўлиниб кетган. Ўрта асрлардан буён Тошкент маҳалла деб номланувчи кварталларга ажратилган.

XIX аср охири XX аср бошларида Тошкентда 200 га яқин маҳалла бўлган. XX аср бошларидаёқ эски Тошкентни тадқиқ қилувчилар ҳар бир маҳалланинг аниқ чегарасини белгилай олишмаган. Бир-бирига ҳовлилар билан бириккан маҳаллаларнинг турар-жой кварталлари (эски шаҳарнинг марказий ҳудудларида) ягона режавий мавзеларига айланган эди. Маҳалла ҳудудига олиб боровчи катта кўчаларгина қадимги ёки ўрта асрга тегишли, мустақил функциялашган ва изоляцияланган маҳалла эканлигини акс этган.



Бу анъаналарни тадқиқ этиш ва улардан фойдаланиш замонавий меъморчилик ривожига улкан ҳисса қўшади. Лойихалашни ишлаб чиқиш жараёнида маҳалла марказларининг қадимийлигини, маҳаллий халқ маданияти ва урф одатини ифодаловчи маҳаллалар ҳамда уларнинг марказларини шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги маҳалла марказларининг тарихи ва шаклланиши.

Маҳаллий ривоятларга ко‘ра "Қибрай" (қадимда "Қирай") номи қадимий туркий қабила номидан келиб чиққан. Қибрай тумани — Тошкент вилоятидаги туман. Қибрай тумани 1933 йил 1 декабрда ташкил этилган. 1962 йил 24 декабрда Калинин (ҳозирги Зангиота) тумани билан бирлаштирилди. 1964 йил 31 декабрда қайтадан тузилди. Жанубий ғарбдан Тошкент шаҳри, жанубдан Юқори Чирчиқ, шарқдан Бўстонлик, ғарбдан Тошкент туманлари, шимолдан Қозоғистон Республикаси билан чегарадош. Майдони 0,56 минг км². Аҳолиси 206,103 минг киши (2015).



9-расм. Қибрай туманидаги эски “ Қизил-шалола“ маҳалла фуқаролар йиғини биноси.

Туманда 2 шаҳарча (Қибрай, Салор), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Байтқўрғон, Ёнарик, Май, Матқобулов, Оққовоқ, Тузел, Чинобод,

Янгиобод, Ўнқўрғон, Қизилту, Қипчоқ) бор. Туман маркази — Қибрай шаҳарчаси. Қибрай — Тошкент вилояти Қибрай туманидаги шаҳарча ва туман маркази ҳисобланади (1973 йилдан). Тошкент шаҳридан 18 км шимоли шарқда жойлашган. Аҳолиси 14 минг киши (2004).



10-расм. Қибрай туманидаги “Янги авлод” маҳалла фуқаролар йиғини биноси.

Ўзбекистонда маҳалла марказларини барпо этиш борасида катта ишлар қилиниб келинмоқда. Биноларни қуриш ва уларни лойиҳалашда миллий меъморчиликнинг анъанавий усуллари, миллий турмуш тарзи ва анъаналари, шунингдек, маҳалла марказлари архитектурасининг ўзига хослигини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Маҳалла марказларини тарихий шаклланиши инсоният тарихидан маълумки, инсонлар жамоа шаклида намоён бўлганларидан буён, жамиятда бир-бирлари билан мулоқотга киришишлари, олди-сотди ишларини амалга оширишлари учун барчага қулай бўлган майдон ёки жойларда мулоқот қилишга киришганлар. Вақтлар ўтиб бу ҳолатга бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ўсганлигидан бундай марказларга бўлган муносабат ҳам ижобий тамонга ўзгарди ва бу

ерларда илк маҳалла марказларини содда ва бир пайтнинг ўзида функционал вазифаларни бажарувчи марказлар ташкил топди.

Қибрай туманининг табиати- Туман вилоятнинг шимолида ва шимоли шаркида, Чирчиқ дарёси водийсида жойлашган. Релефи шимоли шарқий қисмида қир ва адирлардан иборат. Ер юзаси шимоли шарққа томон баландлашиб боради. Оʻртача баландлик 300 – 400 метрни ташкил этади. Жанубий томонидан Чирчиқ дарёси, шимолдан Боʻзсув, Зах ва Хоним каналлари, оʻрта қисмидан Катта Қорасув канали оқиб оʻтади. Чирчиқ дарёсининг ҳозирги ва қадимий ирмоқлари, Боʻзсув, Захарик каналлари жарликлар ҳосил қилган. Тупроқлари, асосан, боʻз тупроқ. Иқлими континентал. Июлнинг оʻртача температураси 27 — 29°, январники —2°. Ёзда энг юқори температура 41—42° га етади, январда энг паст температура —29°. Вегетация даври 210-220кун. Йиллик ёғин 300-400 мм.



11-расм. Қибрай туманидаги эски“ Зафар обод“ маҳалла фуқаролар йиғини биноси.

Қибрайда умумий та'лим, болалар мусиқа, спорт мактаблари, лицей, касбхунар коллежлари, туман марказий кутубхонаси, маданият уйи, Мустақиллик майдони, о'қув спорт кти, стадион, сузиш ҳавзаси ва бошқалар спорт иншоотлари мавжуд. Шаҳар о'ртасидаги майдонда Хотира монументи о'рнатилган. Туман марказий касалхонаси, тиббий тез ёрдам бо'лими, поликлиника, марказий дорихона, туғруқхона мажмуи ва бошқалар тиббий муассасалар бор. Шаҳарча яқинида бир қанча санаторий ва дам олиш уйлари (шу жумладан, "Ботаника", "Бо'стон", "Умид гулшани", "Қибрай", "Навбаҳор", "Энергетик" ва бошқалар) фаолият ко'рсатади.

Аҳолининг о'ртача зичлиги 1 км² га 285 киши (2004). Шаҳар аҳолиси - 38,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси - 120,9 минг киши.



12-расм. Қибрай туманидаги “ Хўжақўрғон” маҳалла марказидаги савдо дўкони, дорихона ва мини стадион.

Тарихдан Қибрай тумани маҳаллаларида ўзбек халқи тўй ва бошқа тадбирларни кенг жамоатчилик иштирокида оммавий тарзда ўтказган. Бу

ўз навбатида, маҳалла марказлари архитектураси асосларини белгилаб беришда, биноларни қуришда, савдо ва маданий хизмат кўрсатиш бинолари мажмуасини яратишда ушбу хусусиятларни ҳисобга олиш лозимлигини кун тартибига қўймоқда.



13-расм. Қибрай туманидаги “ Хўжақўрғон“ маҳалла фуқаролар йиғинидаги масжид биноси .


Маҳалла марказини одатда маҳаллаларнинг барча кўчаларида истиқомат қилувчиларига бир хил узоқликда жойлашиши қулай жойда бўлиши, унинг ўз чойхонаси, тўйхонаси, шифо маскани, дорихонаси, озиқ – овқат дуконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва кўнгилочар жойлари бўлиши талаб қилинади. Маҳалла марказлари биноларини бунёд этишда қадимда асосий эътибор маданият масканлари, масалан чойхона , хунармандчилик, кундалик эҳтиёж моллари дўконлари барпо этишга қаратилган. Ҳозирги пайтда эса, маҳалла маркази маҳаллаларда яшовчиларнинг бепул маданий ҳордиқ чиқаришлари учун хизмат қиладиган клублар, касб – хунар, спорт ва бошқа тўғараклар ўрнига

хашаматли супермаркетлар ва савдо шохобчалари, ошхоналардан иборат масканга айланган.

Маҳалланинг архитектуравий режаси турлича булишига қарамай, маҳалла марказининг асосини ташкил қилувчи хоналар бир-бирига жуда мос келади.



14-рasm. Анъанавий маҳалла марказларининг жойлашиши.



15-рasm. Маҳалла фуқаролар йиғинининг схематик таркиби.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги ўрганилган
Маҳаллалар ва улардаги мавжуд объектлар рўйхати (2015-йил).

1-жадвал.

МФЙ	ҚФЙ	Хонадон лар сони	Объект номлари
Хўжақўрғон	Зафаробод	443	Озиқ-овқат дўкони 5та; чойхона 1та ; болалар боғчаси 1та; дорихона 1та; мини стадион 1та; маҳалла фуқаролар йиғини 1та; масжид биноси 1та; мактаб биноси 1та; майнет биноси 1та; маҳалла врачлик пункти 1та; курилиш моллари дўкони 1та.
Чинобод	Чинобод	514	гилам дўкони-4та ;чойхона-2та; маиший техникалар дўкони-1та; дорихона-2та ; кафе-1та ; озиқ овқат дўкони-5та ; мактаб биноси-1та ; клуб биноси-1та ; қишлоқ фуқаролар йиғини-1та; болалар боғчаси-1та; газета журналлар киоскаси1та .
Исломобод	Салор	215	озиқ овқат дўкони-3та; пояфзал устахонаси-1та; астановка дўкони билан-2та; маҳалла фуқаролар йиғини-1та; кафе ресторан-1та; мини маркет-1та; сомса хона тамадди хонаси билан-2та;
Истиқлол	Чинобод	495	мини маркет-1та; савдо дўкони-1та; тикувчилик цехи-1та; маҳалла фуқаролар йиғини-1та; маҳалла тўйхонаси-1та; гилам дўкони-1та.
Обод	Ўнқўрғон	410	маҳалла фуқаролар йиғини-1та; озиқ овқат дўкони-1та; гўшт дўкони-1та; тамадди хона-1та; авто мўйка-1та;
Ўнқўрғон	Ўнқўрғон	651	озиқ овқат дўкони-5та; сартарошхона-1та; маҳалла фуқаролар йиғини-1та; қишлоқ фуқаролар йиғини-1та; стадион-1та;

Олдинлари аҳоли жойларда ҳудудий–маъмурий бўлиниш катта аҳамиятга эга бўлган. Шаҳарлар одатда йирик ва майда, иншоотлар эса

фақат майда шаҳарсозлик бирликларга бўлинган. Бу шаҳарсозлик бўлинмалар турли ном билан юритилган. Бухоро 12 жариб ёки маҳалла, Самарқанд 4 китъа, Қўқон, Марғилон, Тошкент шаҳарлари 4та даха деб номланган йирик бўлинмаларга тақсимланган эди. Йирик бўлинмалар ўз навбатида майдаларига бўлинган. Булар ҳам турли жойларда турлича номланган. Майда бўлинмалар Бухоро, Самарқанд, Қарши каби шаҳарларда – гузар; Қўқон, Марғилон, Тошкент каби шаҳарларда – маҳалла, Хоразмда эса –*масжид (масжидкавм)* деб аталган. Демак, «маҳалла» ибораси қўлланиш жойига қараб икки маънони билдиради: Бухорода – бу йирик бўлинмани, бошқа ҳолларда эса майда бўлинмани англатади.

Шаҳарларнинг асосий қисмлари аксари маҳаллалардан (майда бўлинмалардан) иборат бўлган. Маҳалла умумий ерда жойлашиб кундалик ҳаётда ўзаро ёрдам бериш тамойили асосида ташкил топган ижтимоий бирликдир. Маҳалла кўпинча кўча ёки бир неча кўча ёнларидаги хонадонларни бирлаштирган. Уларнинг марказида – гузарида ҳовуз, масжид (аксари мактаби, баъзан мадрасаси билан), чойхона, новвойхона ва бошқа кундалик эҳтиёж учун қурилмалар бўлган. Маҳалла ишини оқсоқол, имом, дастурхончи ва қоровул каби лавозимлардаги шахслар олиб борган. Тўй - маърака учун маҳалланинг мулки: қозон, идиш – товоқ, тобут ва ускуналар бўлган.

Маҳаллалар низоларининг қурилмалари зичлиги, функционал, тусланиши жиҳатидан бир хил бўлмаган. Шаҳарларнинг геометрик марказларидаги маҳаллаларда қурилмалар зич бўлган. Шаҳар аҳолининг асосий қисми савдо ва ҳунармандчилик билан машғул бўлган. Шаҳарнинг четларидаги маҳаллалар даласифат: қурилмалари сийрақроқ, ҳовлилари кенгроқ, сердарахт бўлган.


Кейинги вақтда меъморлик тарихи фанида шу нарса маълум бўлдики, баъзи тарихий шаҳарларда зикр этилган йирик ва майда бўлинмалардан

яна бошқа, ўртача бўлинмалар мавжуд экан. Улар бир қанча майда бўлинмалардан ташкил топган.

Анъанавий - миллий ўзбек шаҳарсозлигида шаҳар муҳитининг меъморий кўриниши ва шаҳарсозлик композициясини ривожлантириш, гуллаб яшнаши режалаштирилган. Маҳалла маркази у ердаги масжид, чойхона, ҳовуз ва бошқа иншоотлар кўча ёқасида, шаҳар марказига чиқиш йўлида жойлаштирилган ва шунинг учун “гузар” яъни Форсчадан “ўтмоқ” номини олган. Бинобарин ўаҳар марказига чиқиш ва қайтишда гузар босиб ўтилган. Ўзбек маҳаллаларининг асрлар бўйи шаклланган, аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўз қонун қоидалари бор. Маҳалланинг турар-жой қурилмалари ўзида кўпинча кўча ва тор кўчалар периметри бўйлаб жойлашган индивидуал хусусий уйлар системасини акси мужассамлаштирилган.

Кейинги вақтда меъморлик тарихи фанида шу нарса маълум бўлдики, баъзи тарихий шаҳарларда зикр этилган йирик ва майда бўлинмалардан яна бошқа, ўртача бўлинмалар мавжуд экан. Улар бир қанча майда бўлинмалардан ташкил топган ўртача бўлинмалар улар Марғилонда –*ўрам*, Хўжандда –*роат* деб аталган. Демак, олдин қайд этилганларни назарга олсак Марғилонда икки шаҳарсозлик бўлиниши эмас, балки уч босқичли: даҳа – ўрам – маҳалла бўлиниши қарор топган деб хулоса чиқаришимиз мумкин. Ундан ташқари майда бўлинмалар ҳам бир неча қисмларга – кўчаларга ажратилиши мумкин. Масалан, XX аср охирларида Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Ўнқўрғон маҳалласи бир неча кўчаларга бўлинган.

16-рasm. Тошкент вилояти Қибрай туманини умумий харитаси:



3. Маҳалла марказларининг классификацияси ва типлари.

Маҳалладаги жамоат бинолари даҳада, турар жой ҳудудида, шаҳар ёки қишлоқда марказий ҳолатни эгаллайди ва архитектуравий ансамбллари яратишда асосий объект бўлиб хизмат қилади.[14]

Ушбу маҳалла турларининг узига хослиги уларнинг тузилишида акс этган. Анъанавий маҳаллалар тарихан шаклланган бўлиб, узига хос тузилишга ҳамда функцияларга эгадир. Инсоният тарихи давомида давлатчилик ҳамда жамиятни бошқаришнинг жуда кўп турлари шаклланган. Маҳалла - айтиш мумкинки Ўзбекистонга хос бўлган ноёб узини ўзи бошқариш шаклларида биридир. Тарихий тажриба маҳаллаларнинг халқимиз ҳаётига сунъий олиб кирилган бошқарув шаклларида бўлмасдан, балки унинг заминида турмушнинг асрлар давомида шаклланган анъаналари, миллатимиз руҳиятига мос бўлган инсоний муносабатлар ётишини кўрсатади.

Авлоддан авлодга ўтиб келаётган қўп асрлик тажриба аҳоли яшаш жойлари ва улар элементар шакллантиришнинг маълум бир тамойилларининг вужудга келишига имкон берибди. Бу тамойиллар ижтимоий иқтисодий ва бошқа жараёнларнинг узгаришларига мос равишда ривожланиб борибди, ҳар бир аниқ; ҳолатларда аҳоли яшаш жойларининг узига хос, лекин заминида бир хил бўлган тузилишлари юзага келишини таъминлаб берибди. Улар аҳоли яшаш жойлари тузилиши шаклланишининг энг умумий қонун қоидаларини ифода қилади. Маълумки, маҳаллалар халқимиз турмуш тарзининг узига хослиги, бир жойда яшовчи одамларнинг узаро мулоқот қилишга, тўй ва бошқа турли маросимлари биргаликда ўтказишга, узаро ёрдам, ҳамкорликка бўлган заруратлари тўғрисида вужудга келган. Маҳаллаларнинг катта кичиклигига, аҳолисининг сонига, турли шаҳарсозлик шароитлари ва омиллари таъсир қўрибди.

[14] Х.,М.-Убайдуллаев, М.М.Иноғомова. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳа,лашнинг типологии асослари.

Махаллаларнинг шаклланишида қуйидаги ўзаро узвий бўшлиқ бўлган қонуниятларга амал қилинган. Бир жойда яшовчи одамларни маҳаллага бирлаштирувчи функцияларнинг ўзига хослиги аҳоли сонининг маълум бир чегарадан ошмаслигини тақозо қилган. Тарихий тажриба маҳалланинг оптимал фаолият кўрсатиши учун унинг аҳолиси ўртача 1,5-2,5 минг кишидан иборат бўлишини кўрсатади. Маҳалла аҳолисининг сони 2,5минг кишидан ошган сари унинг ҳудудида иккинчи бир кичикроқмаҳалла шаклланишига зарурат туғила бошлайди.

Иккинчи томондан, агарда маҳалла ҳудуди маълум бир чегарадан ошган сари унда ҳам иккинчи бир кичикроқ маҳалла шаклланишига зарурат вужудга келади. Маҳалла ҳудудида одамлар алоқаси асосан пиёда юриб амалга оширилади. Маҳалла ҳудудининг меъёридан ортиқ катталашиб кетиши пиёда юриб алоқа қилишни қийинлаштиради. Кузатишлар шуни кўрсатадики, юқорида қайд этилган иккита омил - аҳоли сони ва ер майдони, маҳаллалар катталигининг маълум чегараларидан ошмаслигини таъминлаб турган. Маҳаллалар шаклланишига шаҳарсозлик вазиятлари ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ўзбекистан шаҳарларидаги режа асосида қурилган замонавий кам қаватли хусусий турар-жой уйларида иборат туманларда ҳам маҳаллалар юқорида қайд этилган қонуниятлар асосида шаклланган.[15]

Илмий тадқиқот ишида Тошкент вилояти Қибрай туманидаг айрим аҳоли пунктларининг маҳалла марказларида жойлашган аҳолига хизмат кўрсатиш бинолари таснифланди (классификация).


[15].Сеерева Г.А. Замонавий маҳаллаларнинг тузилишини шакллантириш.

Чинобод маҳалла фуқаролар йиғини маркази:



17-расм. (Чинобод маҳалла фуқаролар йиғини маркази—бош режа).

Қибрай тумани Чинобод маҳалла фуқаролар йиғини марказларидаги бинолар транспорт тизимига нисбатан уч хилда яъни: чизиқли, бурчакли, алохида турларда жойлашган. Аҳолига хизмат қиладиган бино ва иншоотларини кўрсатамиз.(16-расм)




18-расм. Маҳалла фуқаролар йиғинига нисбатан хизмат кўрсатиш биноларининг транспорт тизимлари чизиқли, бурчакли ва алохида жойлашган (Қибрай тумани Чинобод маҳалла фуқаролар йиғини маркази 2015-2017й).

1-гилам дўкони; 2-чойхона; 3-Маиший техникалар дўкони; 4-гилам дўкони; 5-дорихона; 6-кафе; 7-озик овқат дўкони; 8-мактаб биноси; 9-клуб биноси; 10-қишлоқ фуқаролар йиғини; 11-озик овқат дўкони; 12-озик овқат дўкони; 13-озик овқат дўкони; 14-озик овқат дўкони; 15-чойхона; 16-гилам дўкони; 17-дорихона; 18-гилам дўкони; 19-болалар боғчаси; 20-газета журналлар киоскаси.

Чинобод маҳалла фуқаролар йиғини биноси, бино тарҳи ва бошқа хизмат кўрсатиш биноларининг фото суратлари:





19-расм. Чинобод маҳалла фуқаролар йиғини бино тархи.

1-тамбур; 2-каредор; 3-котибхонаси; 4-чинобод маҳалла фуқаролар йиғини; 5-мажлислар зали; 6-қозонхона; 7- Б.Т.И. хонаси; 8-солиқ инспекторлари хонаси; 9-бандликка кўмаклашиш хонаси; 10-харбий ҳисоб бўлими.

18-расм. Катта бўлмаган худудда умумий кўринишида чизиқли, бурчакли ва алоҳида жойлашган маҳалла биноларини акс эттирган бу расмда аҳолига хизмат қиладиган бинолар, ўзининг асосий вазифалари, аҳоли пунктларида жойлашиши, режавий тузилмаси, асосий хоналар таркиби, архитектуравий композицияси жихатидан бир - биридан узоқроқда яъни тарқоқ холда бўлиб қолган. Маҳалла биноларининг жойлашиш ўрни унинг аҳамиятига, шаҳар, туман, қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжи даражасига, хизмат кўрсатиладиган аҳолининг тоифаларига ҳамда унинг бажарадиган вазифаларига қараб аниқланди. Қибрай тумани Чинобод


махалла фуқаролар йиғини марказидаги бинолар транспорт тизимига нисбатан икки хилда чизиқли ва бурчакли турда жойлашган. Ушбу маҳалла марказларида жойлашган биноларнинг архитектуравий ҳажмий композицион ечими муҳитга мос тушмаган. Марказдаги биноларнинг ҳажмий нисбатлар уйғунлиги ўзаро боғланмаган. Бино тарзидаги эшик ва ромларнинг геометрик шаклларида бир бирига боғлиқлик сезилмайди. Биноларнинг тарзида ўзига хослик кузатилмайди бу эса ҳар қандай одамда биноларни кўрганда зерикаш хиссини уйғотади. Аслида марказдаги бинолар ўзига хос ансамбилни ташкил қилиши ва архитектуравий кўзалликни акс эттириб туриши лозим.

Исломобод маҳалла фуқаролар йиғини маркази:



20-расм. (Исломобод маҳалла фуқаролар йиғини маркази–бош режа).

21-расм. Умумий кўринишида чизиқли ва бурчакли жойлашган жамоат биноларини акс эттирган бу расмда аҳолига хизмат қиладиган бинолар, бир-биридан тарқоқ холда жойлашган ва аҳоли сонига нисбатан хизмат кўрсатиш бинолари жуда кам. Бу эса ўзининг функционал жихатидан биноларининг композициясида ўз аксини топмаган.



21-расм. Маҳалла фуқаролар йиғинига нисбатан хизмат кўрсатиш биноларининг транспорт тизимлари чизиқли ва алоҳида жойлашган (Қибрай тумани Исломобод маҳалла фуқаролар йиғини маркази 2015-2017й).

1-озик овқат дўкони; 2-пояфзал устахонаси; 3-озик овқат дўкони;
4-астановка дўкони билан; 5-озик овқат дўкони; 6-маҳалла фуқаролар йиғини; 7-кафе ресторан; 8-мини маркет; 9-сомса хона тамадди хонаси билан; 10-сомса хона тамадди хонаси билан; 11-астановка дўкони билан.

Исломобод маҳалла фуқаролар йиғини биносининг фото суратлари ва бино тарҳи:



22-расм. Исломобод маҳалла фуқаролар йиғини бино тарҳи.


Маҳалла марказида жойлашган биноларнинг архитектуравий ҳажмий композицион ечими муҳитга мос тушмаган. Марказдаги биноларнинг ҳажмий нисбатлар уйғунлиги ўзаро боғланмаган. Бино тарзидаги эшик ва ромларнинг геометрик шаклларида бир бирига боғлиқлик сезилмайди. Биноларнинг тарзида ўзига хослик кузатилмайди бу эса ҳар қандай одамда биноларни кўрганда зерикиш хиссини уйғотади. Аслида марказдаги бинолар ўзига хос ансамблни ташкил қилиши ва архитектуравий гўзалликни акс эттириб туриши лозим.

Истиклол маҳалла фуқаролар йиғини маркази:



23-расм. (Истиклол маҳалла фуқаролар йиғини маркази–бош режа).

23-расм. Умумий кўринишида бурчакли ва алохида жойлашган маҳалла биноларини акс эттирган бу расмда аҳолига хизмат қиладиган бинолар, ўзининг асосий вазифалари, аҳоли пунктларида жойлашиши, режавийтузилмаси, асосий хоналар таркиби, архитектуравий композицияси жихатидан яхши жойлашмаган. Жамоат биноларининг жойлашиш ўрни унинг ахамиятига, шаҳар, туман, қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжи даражасига, хизмат кўрсатиладиган аҳолининг тоифаларига ҳамда унинг бажарадиган вазифаларига қараб аниқланди. Бу расмда аҳолига хизмат қиладиган бинолар, бир-биридан тарқоқ холда жойлашган ва аҳоли сонига нисбатан хизмат кўрсатиш бинолари жуда кам.



24-расм. Маҳалла фуқаролар йиғинига нисбатан хизмат кўрсатиш биноларининг транспорт тизимлари чизиқли ва алохида жойлашган (Қибрай тумани Истиклол маҳалла фуқаролар йиғини маркази 2015-2017й).

1- мини маркет; 2-савдо дўкони; 3-тикувчилик цехи; 4 маҳалла фуқаролар йиғини; 5-маҳалла тўйхонаси; 6-гилам дўкони.

Истиклол маҳалла фуқаролар йиғини биносининг фото суратлари ва бино тарҳи :






25-расм. Истиқлол маҳалла фуқаролар йиғини бино тарҳи.

Кузатилган ушбу маҳалла марказида жойлашган хизмат кўрсатиш биноларнинг архитектуравий ҳажмий композицион ечими муҳитга мос тушмаган. Марказдаги биноларнинг ҳажмий нисбатлар уйғунлиги ўзаро боғланмаган. Бино тарзидаги эшик ва ромларнинг геометрик шаклларида бир бирига боғлиқлик сезилмайди. Биноларнинг тарзида ўзига хослик кузатилмайди бу эса ҳар қандай одамда биноларни кўрганда зерикаш хиссини уйғотади. Аслида марказдаги бинолар ўзига хос ансамбилни ташкил қилиши ва архитектуравий гўзалликни акс эттириб туриши лозим.


Обод маҳалла фуқаролар йиғини маркази:



26-расм. (Обод маҳалла фуқаролар йиғини маркази–бош режа).

27-расм. Қибрай тумани Обод маҳалла фуқаролар йиғини марказларидаги биноларни транспорт тизимига нисбатан икки хилда яъни: бурчакли ва алоҳида турларда жойлашган бўлиб, аҳолига хизмат қиладиган бино ва иншоотларини келтириб ўтамыз. Бу ердаги камчиликлар ташқаридан келган меҳмонларга яққол сезилади чунки маҳалла маркази деярли йўқ десаҳам бўлади. Маҳалла марказининг хизмат кўрсатиш бинолари жуда кам болари ҳам жуда тарқоқ ҳолда жойлашган. Аҳоли эҳтиёжини қондириш учун керак бўлса бошқа маҳалла марказига бориб эҳтиёжи учун керакли

нарсаларни олиб келмоқда бу эса ортиқча транспорт харажатларини келтириб чиқаради.



27-расм. Маҳалла фуқаролар йиғинига нисбатан хизмат кўрсатиш биноларининг жойлашган транспорт тизимлари чизиқли ва алохида жойлашган (Қибрай тумани Обод маҳалла фуқаролар йиғини маркази 2015-2017й).

1-маҳалла фуқаролар йиғини; 2-озиқ овқат дўкони; 3-гўшт дўкони;
4-тамадди хона; 5-авто мўйка;

26-расм. Маҳалла маркази катта бўлмаган худудда умумий курунишида комплекс, бурчакли жойлашган жамоат биноларини акс эттирган бу расмда аҳолига хизмат қиладиган бинолар, ўзининг асосий вазифалари, аҳоли пунктларида жойлашиши, режавий тузилмаси, асосий хоналар таркиби, архитектуравий композицияси жихатидан нотўғри жойлашган. Бош тарҳга эътибор бетадиган бўлсак, аҳоли яшаш жойидан четроқ қисмида жойлашканини кўрамиз. Аслида маҳалла маркази маҳалланинг марказида аҳолига қулай бўлган жойда жойлашиши керак бу ҳақида шаҳарсозлик нўрмалари ва

қоидаларида билдириб ўтилган

Обод маҳалла фуқаролар йиғини биносининг фото суратлари ва бино тарҳи:




28-расм. Обод маҳалла фуқаролар йиғини бино тарҳи.

Ушбу маҳалла марказида жойлашган хизмат кўрсатиш биноларнинг архитектуравий ҳажмий композицион ечими муҳитга мос тушмаган. Марказдаги биноларнинг ҳажмий нисбатлар уйғунлиги ўзаро боғланмаган. Бино тарзидаги эшик ва ромларнинг геометрик шаклларида бир бирига боғлиқлик сезилмайди. Биноларнинг тарзида ўзига хослик кузатилмайди бу эса ҳар қандай одамда биноларни кўрганда зерикаш

хиссини уйғотади. Аслида марказдаги бинолар ўзига хос ансамбилни ташкил қилиши ва архитектуравий гўзалликни акс эттириб туриши лозим.

Ўнқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини маркази:



29- расм. (Ўнқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини маркази–бош режа).

30-расм. Бу маҳалла маркази катта ҳудудда умумий куринишида комплекс ва бурчакли жойлашган жамоат биноларини акс эттирган бу расмда аҳолига хизмат қиладиган бинолар, ўзининг асосий вазифалари, аҳоли пунктларида жойлашиши, режавий тузилмаси, асосий хоналар таркиби, архитектуравий композицияси жихатидан бир-бирига якин ва қулай жойлашган. Аммо айрим хизмат кўрсатиш бинолари хизмат кўрсатиш радиусига нисбатан узоқ жойлашган. Бу маҳалла марказининг қулайлик томони маҳалланинг марказида ва асосий йўлнинг юзида жойлашган, камчиликлар етарли айрим хизмат кўрсатиш бинолари марказдан қочган ҳолда чекка жойларда жойлашиб қолган.



30-расм. Маҳалла фуқаролар йиғинига нисбатан хизмат кўрсатиш биноларининг транспорт тизимлари бурчакли ва алохида жойлашган (Қибрай тумани Ўнқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини маркази 2015-2017й).

1-озик овқат дўкони; 2-сартарошхона; 3-озик овқат дўкони; 4-маҳалла фуқаролар йиғини; 5-қишлоқ фуқаролар йиғини; 6-озик овқат дўкони; 7-стадион; 8-озик овқат дўкони; 9-озик овқат дўкони.

Ўнқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини биноси, бино тархи ва бошқа хизмат кўрсатиш биноларининг фото суратлари:





31-расм. Ўнқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини бино тархи.

Ушбу маҳалла марказида жойлашган хизмат кўрсатиш биноларининг архитектуравий ҳажмий композицион ечими, муҳитга мос тушмаган. Марказдаги биноларнинг ҳажмий нисбатлар уйғунлиги ўзаро боғланмаган. Бино тарзидаги эшик ва ромларнинг геометрик шаклларида бир бирига боғлиқлик сезилмайди. Биноларнинг тарзида ўзига хослик кузатилмайди бу эса ҳар қандай одамда биноларни кўрганда зерикиш хиссини уйғотади. Аслида марказдаги бинолар ўзига хос ансамбилни ташкил қилиши ва архитектуравий гўзалликни акс эттириб туриши лозим.

Хўжақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини маркази:



32-расм.(Хўжақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини маркази–бошрежа).

33-расм. Жуда катта бўлмаган худудда умумий куринишида комплекс, бурчакли ва алохида жойлашган жамоат биноларини акс эттирган бу расмда аҳолига хизмат қиладиган бинолар, ўзининг асосий вазифалари, аҳоли пунктларида жойлашиши, режавий тузилмаси, асосий хоналар таркиби, архитектуравий композицияси жихатидан бир-бирига яқин ва қулай жойлашган. Жамоат биноларининг жойлашиш ўрни унинг ахамиятига, шаҳар, туман, қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжи даражасига, хизмат кўрсатиладиган аҳолининг тоифаларига ҳамда унинг бажарадиган вазифаларига қараб аниқланди. Бу Хўжақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини маркази асосий аҳолига хизмат қиладиган бинолар қишлоқ марказини



ташқил қилади.



33-расм. Маҳалла фуқаролар йиғинига нисбатан хизмат кўрсатиш биноларининг транспорт тизимлари бурчакли, алохида ва чизиқли жойлашган (Қибрай тумани Хўжақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини маркази 2015-2017й).

1-озиқ овқат дўкони; 2-чойхона; 3- болалар боғчаси; 4-озиқ овқат дўкони; 5-озиқ овқат дўкони; 6-дорихона; 7-мини стадион; 8-маҳалла фуқаролар йиғини; 9-масжид биноси; 10-мактаб биноси; 11-пайнет биноси; 12-маҳалла врачлик пункти; 13-қурилиш моллар дўкони; 14-озиқ овқат дўкони; 15-озиқ овқат дўкони.

Хўжақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини биноси, бино тархи ва бошқа
хизмат кўрсатиш биноларининг фото суратлари:








34-расм. Хўжақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини.

1-тамбур; 2-коридор; 3- маҳалла раиси хонаси ва котиба хонаси; 4-мажлислар зали; 5- омборхона; 6-маслаҳатчи хонаси; 7- маҳалла посбони хонаси.

Ушбу маҳалла марказларида жойлашган биноларнинг архитектуравий ҳажмий композицион ечими муҳитга мос тушмаган. Марказдаги биноларнинг ҳажмий нисбатлар уйғунлиги ўзаро боғланмаган. Бино тарзидаги эшик ва ромларнинг геометрик шаклларида бир бирига боғлиқлик сезилмайди. Биноларнинг тарзида ўзига хослик кузатилмайди бу эса ҳар қандай одамда биноларни кўрганда зерикиш хиссини уйғотади. Аслида марказдаги бинолар ўзига хос ансамбилни ташкил қилиши ва архитектуравий гўзалликни акс эттириб туриши лозим.

Олиб борилган маҳалла марказлари архитектуравий шаклланиши таҳлили асосида қуйидагича классификацияланди (2015 йил маълумотлари):

2-жадвал

Маҳалла марказларининг асосий типлари (турлари).					
Маҳалла фуқаролар йиғини номи.	Жойлашган ерига кўра.	Архитектуравий композиция шаклига кўра.	Худуддаги хонадодлар сони.	Ички ховлисига кўра.	Расми.
Чинобод маҳалла фуқаролар йиғини	Асосий кўча бўйлаб марказий чорраҳада	Блокли. 	514 та	1 та ховлили	
Исломобод маҳалла фуқаролар йиғини	Ички тор кўча бўйлаб.	Марказий. 	215 та	1 та ховлили	
Истиқлол маҳалла фуқаролар йиғини	Ички кўча бўйлаб бурчакда.	Марказий. 	495 та	1 та ховлили	
Обод маҳалла фуқаролар йиғини	Ички кўча бўйлаб бурчакда.	Марказий. 	410 та	1 та ховлили	
Ўнқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини	Асосий кўча бўйлаб марказий чорраҳада	Блокли. 	651 та	1 та ховлили	
Хўжақўрғон маҳалла фуқаролар йиғини	Асосий кўча бўйлаб марказий чорраҳада	Блокли. 	443 та	1 та ховлили	

Маҳалла марказларини 2 хил типга ажратдик булар қуйидагилар:

1. Янги ҳудудларда маҳалла маркази;
2. Индивидуал режали яни кам қаватли тураржой ҳудудларда.

I боб бўйича хулоса.

Биринчи бобда хулоса ўрнида маҳалла марказларининг, яъни гузарларнинг вужудга келишига сабабчи далиллар, яъни инсонларнинг маиший маънавий ва бирқанча эҳтиёжларидан келиб чиқган ҳолда шакклана бошлаган. Маҳалла марказлари асосан марказий йўл чорраҳалари яни йўллар кесишмаларида шаклланган. Маҳалла гузарининг асосий негизи масжид ва мадрасалар бўлган, атрофида эса бозорчалар ва ҳунармандчилик ҳужралари бўлган маҳалла марказларида тез тез ҳар хил томошалар масалан дорвоз ўйинлари ўтказилган. Масжид ва мадрасалар асосий марказ бўлишининг сабаби чунки инсонларнинг энг кўп йиғиладиган жойи бўлганлиги сабабли табиий танлов оқибатида шаклланган. Вақтлат ўтиши билан гузарлар негизини чойхоналар эгаллай бошлаган чойхонада маданий ва манавий ҳордиқ чиқаришган. Ҳозирги даврга келиб маҳалла марказининг асосини мамурий марказ яни маҳалла оқсақоли биноси ташкил қилмоқда. Унинг атрофида эса савдо маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ва таълим тарбия бинолари шаклланган.

Маҳалла раиси биноси барча турдаги муаммо ва моддий кўмак бўладими аҳолига қандай ёрдам керак бўладиган бўлса барчасини амалга оширади ва маҳалланинг тинчлигини тامينлаб туради. Бу эса тинч юртда ривожланиш, ўсиш ва юксалиш болади дегани.

II боб. Қибрай тумани бўйича маҳалла марказларининг композицион асослари ва унга таъсир этувчи омиллар.

1. Маҳалла марказларига таъсир кўрсатувчи табиий-иқлимий ва ижтимоий иқтисодий омиллар.

Ўзбекистоннинг мустақилликга эришиши жуда катта тарихий воқеа бўлди. Натижада ўз ватанини, юртини, ўлкасини чуқур ўрганиш имконияти юзага келди. Чунки ўзи туғилиб ўсган ҳудудни севмаган, унинг муқаддас тупроғини, халқини ардоқламаган, зилол сувидан тўйиб-тўйиб ичмаган одам ер юзида топилмаса керак. Мен магистрлик диссертация ишимда ўзимнинг туғилиб ўсган Тошкент вилояти Қибрай туманининг табиий географик, шарт-шароитларининг ўзига хос хусусиятлари ва тарихий тараққиёти шаклланиш босқичи, иқтисодий ижтимоий ривожланиши, рельефи, меъморчилиги, стратегик ҳолати, иқтисодиёт соҳалари тўғрисидаги маълумотларни ёритишга ҳаракат қилдим. Тошкент вилояти табиий шароити ва иқлими. Тошкент вилояти Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари ҳамда шарқдан Наманган, жанубий ғарбдан Сирдарё вилоятлари билан чегарадош. Вилоятнинг шимолий-шарқий ва шарқий қисмини Чотқол, Қурама, Пском ва Угом тизма тоғлари ташкил қилади. Ҳудудининг катта қисми жануб ва жанубий ғарбга томон Сирдарёга қия тушган тоғолди текислигидан иборат. Вилоят юқори сейсмик зонада жойлашган. Иқлими континентал. Қиши нам, нисбатан юмшоқ, ёзи иссиқ, қуруқ. Баҳорда ва ёзги мавсумда жала ёмғирлар, момақалдироқ ва дўл ёғиши, шунингдек шамолнинг сезиларли кучайиши кузатилади. Вегетация даври текисликларда қарийб 210 кун. Асосий дарёлари Сирдарё (Тошкент вилоятида узунлиги 125 км) ва унинг вилоятдан ўтувчи ирмоқлари Чирчиқ (Пском билан бирга) ҳамда Оҳангарон. Текисликда бўз тупроқ, тоғолдиларида (500-600 м баландликгача) - типик бўзтупроқ, ундан юқорида чимли-қўнғир, ўтлоқи - дашт тупроқлар тарқалган. Дарёнинг қуйи қисмида, шунингдек эр ости сувлари эр юзасига яқин жойларда, дарё водийларида аллювиал тупроқлар

бор. Текислик қисми ҳайдалиб, экин экилади. Фақат Сирдарё соҳилларида тўқайзорлар бор. Тоғларда 1200-1400 метр баландликгача тоғ даштлари, ундан юқорида арчазорлар, 2000 метрдан юқорида субальп ва альп ўтлоқлари учрайди. Оҳангарон водийсида бута ўсимликлари ўсади. Табиати қушларга ва ҳайвонларга, сувлари балиқларга бой бўлиб, Чотқол тоғ-ўрмон қўриқхонаси жойлашган. Вилоятда илмий-техникавий салоҳиятдан самарали фойдаланиш туфайли ишлаб чиқариш кучлари бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ривожланиб бормоқда. Вилоятда саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, хусусийлаштириш, савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар, тадбиркорлик ва меҳнат бозори, ижтимоий соҳалар анча ривожланган.

Молиявий аҳвол тобора барқарорлашиб, макроиқтисодий кўрсаткичлар изчил ўсиб бормоқда. Вилоятда йил давомида олиб борилган кўп қиррали мақсадли ишлар ўз самарасини берди, ялпи ички маҳсулот 9259,3 млрд.сўмга этиб, 2011 йилга нисбатан 105,2 фоизга ўсди. 2012 йил 1 декабр ҳолатига 339 та хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан 926,7 млрд.сўмлик фойда олинди. Мен магистрлик диссертация ишимда ўзимнинг туғилиб ўсган Тошкент вилояти Қибрай туманининг табиий географик, шарт-шароитларининг ўзига хос хусусиятлари ва тарихий тараққиёти шаклланиш босқичи, иқтисодий ижтимоий ривожланиши, рельефи, меъморчилиги, стратегик ҳолати, иқтисодиёт соҳалари тўғрисидаги маълумотларни ёритишга ҳаракат қилдим. Қибрай тумани — Тошкент вилоятидаги туман. 1933 йил 1 дек.да ташкил этилган. 1962 йил 24 дек.да Калинин (ҳозирги Зангиота) тумани билан бирлаштирилди. 1964 йил 31 дек.да қайтадан тузилди. 1933 — 91 йилларда Оржоникидзе тумани. Жанубий г'арбдан Тошкент шаҳри, жан.дан Юқори Чирчиқ, шарқдан Бо'стонлик, г'арбдан Тошкент туманлари, шим.дан Қозог'истон Республикаси билан чегарадош. Майдони 0,56 минг км². Аҳолиси 159,6 минг киши (2004). Туманда 2 шаҳарча (Қибрай, Салор), 11 қишлоқ фуқаролари йиг'ини (Байтқо'рг'он, Ёнарик, Май, Матқобулов, Оққовок,

Тузел, Чинобод, Янгиобод, О'нқо'рг'он, Қизилту, Қипчоқ) бор. Туман маркази — Қибрай шаҳарчаси. Табиати. Туман вилоятнинг шим. ва шим.шарқида, Чирчиқ дарёси водийсида жойлашган. Релефи шим.шарқий қисмида қир ва адирлардан иборат. Ер юзаси шим.шарққа томон баландлашиб боради. О'ртача бал. 300— 400 м. Жанубий томонидан Чирчиқ дарёси, шим.дан Бо'зсув, Зах ва Хоним каналлари, о'рта қисмидан Катта Қорасув канали оқиб о'тади. Чирчиқ дарёсининг ҳозирги ва қадимий ирмоқлари, Бо'зсув, Захариқ каналлари жарликлар ҳосил қилган. Ба'зи жарларнинг чуқурлиги (Бо'зсувда) бир неча о'н метрга етади. Тупроқлари, асосан, бо'з тупроқ. Иқлими континентал. Июлнинг о'ртача температураси 27 — 29°, январники —2°. Ёзда энг юқори температура 41—42° га етади, январда энг паст температура —29°. Вегетация даври 210—220 кун. Йиллик ёғ'ин 300—400 мм.

Маъмурий маҳаллар -Ўзбекистон шаҳарсозлик тамойиллари ривожланишидаги янги ҳодисадир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сунг фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида аҳолининг узини-узи бошқариш органлари фаолиятига ҳам катта эътибор берилди.

Маҳалла ишини ташкил этишни, уни бошқаришни фаоллаштириш мақсадида маош олиб ишловчи оксоколлар, котиблар тайинланмовда. Келгусида бу қушимча функциялар доирасининг янада кенгайиши назарда тутилмоқда. Бу қўшимча функцияларни самарали амалга ошириш учун аҳолисининг сони 1,5-2,5 минг кишидан иборат булган анъанавий маҳалла идораси торлик килади.

Бир нечта анъанавий маҳаллалар бирлаштирилиб, янги катта маҳаллалар ташкил этилди. Улар аҳолисининг сони 10 минг ва ундан ортиқ одамларни ташкил этмоқда.

Демак, ҳозирги замон шароитида, яъни маҳаллаларга давлат бошқарув органларининг айрим функциялари, ваколатлари берилиши, улар хизмат доирасининг кенгайтирилиши, фукаролик жамияти қурилишида улар ролини ошириш борасида олиб борилаётган чоратadbирлар бир нечта анъанавий маҳаллаларнинг бирлашишига ва улар асосида шаҳарнинг янги структуравий бирлиги - «маъмурий маҳалла»ларни вужудга келтирди. «Маъмурий маҳалла» уз тузилишига, хизмат доирасига кўра анъанавий маҳаллалардан мураккаброкдир.

«Маъмурий маҳалла» асосан бир нечта «анъанавий маҳалла»лардан ҳамда маиший-маданий-маъмурий марказлардан ибортдир.

«Маъмурий маҳалла» фаолият кўрсатишни бошлаши учун энг катта «анъанавий маҳалла» заминида энг кичик бўлган «маъмурий маҳалла»ни шакллантириш мумкин.

«Маъмурий маҳалла» ҳам аҳолисининг сони жихатдан юқори чегарага (зарурий етарли) эгадир. Аҳолининг сони ушбу чегарадан ортган сари маъмурий маҳаллани бошқариш тобора кийинлашиб боради.

Шундай қилиб, ҳозирги замон шароитида анъанавий маҳаллаларнинг ривожланиши шаҳар тузилишининг янги структура бирлиги маъмурий маҳаллаларни юзага келтирди. Бу эса маҳалла марказларининг ривожига тасир этувчи омиллардан бири ҳисобланади.

2. Маҳалла марказларини лойиҳалашда уларга қўйиладиган талаблар.

Хар бир жамоат биноси ёки бошқа хизмат кўрсатиш бинолари қурилиш талабларига бўйсунди. Чунки қурилиш нормалари хар бир бинонинг хизмат кўрсатиш турига қараб белгиланган. 23-моддага кўра “фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органларининг мулкларига қурилган, ўзлари томонидан орттирилган ёки ижтимоий ва бошқа мақсадларда қўллаш учун уларга ўрнатилган тартибда берилган учун жамоат объектлари киради”. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ўз объектларини юридик ёки жисмоний шахсларга вақтинчалик ёки доимий фойдаланишлари учун ёки ижарага беришлари мумкин.

Умумшаҳар маркази, лойиҳали туман марказлари, аҳоли яшовчи туманлар марказлари, маҳаллий марказлар шунингдек, микротуманлар кўп тизимли ҳудудларни ташкил этиб кўп тизимли ижтимоий марказларини юзага келтиради. КМК 2.07.01-94 “Шаҳарқурилиши. Шаҳар ва қишлоқ турар жойларини лойиҳалаш” га кўра турар жойларни лойиҳалашда “лойиҳага асосан унинг бирламчи элементларини ажратиб кўрсатиш ва турар жойларни маҳалла марказига айлантириш назарда тутилган. Бунда аҳоли билан суҳбатлашган ҳолда ҳўжалик ва ўз ўзини бошқариш мақсадида фойдаланилади”. Шаҳар туманларидаги турар жой бинолари маҳалла марказларига айлантирилиши, ўз ўзини бошқаришнинг анаънавий шакллари тақозо этувчи ҳамда маросимларни ўтказиш учун керакли анжомлар билан таъминланиши мумкин. Шу ўринда бундай маросимларни ўтказишда маҳалла аҳлига шу кунларда урф бўлаётган тўйхона лойиҳаси ёрдам бериши мумкин.

Ўзига хизмат кўрсатиш бўлимининг тахминий таркиби:
(КМК 2.07.01 – 94)

3-жадвал.

	Аҳоли сони турлича (минг ҳисобида) бўлганда турар жой майдони		
	1 -1,5	2	3
Маҳалла қўмитаси хонаси, аёллар маслаҳатчиси хонаси, тўғараклар, қишки чойхоналар ва бошқалар	70	108	130
Усти ёпилмаган жойлар -чойхона (айвон)	30	40	50
Миллий таомлар тайёрлаш учун усти ёпилган ёзги ошхона	10	12	14
Оммавий маросимлар ўтказиш учун ёпиқ майдон	50	100	150
Дам олиш майдони	30- 40	50	50
Умумий сони	120	202	270
Умумий қурилиш майдони	190 -200	310	400

Турар жойларни маҳалла марказига айлантиришда унинг жамоат маркази эканлигин, ҳисобга олиш зарур. Ижтимоий маросимлар ўтказилиши учун у уйлардан 40-50м² узоқликда бўлиши керак. Бундай марказлар ёпиқ турдаги маҳалла маркази саналиб ўша ҳудуд аҳоли контингенти билан чегараланади. Бунда аҳоли дам олиш ва кундалик турмуш тарзи учун зарур бўлган уч даража билан таъминланиши лозим:

- Индивидуал(турар жойга тегишли бўлган ҳовли ёки алоҳида ҳовли)
- Қўшничилик (турар жой ҳудудида)
- Ижтимоий (турар жойларни қайта тузилиши)

ҚМК талабларига кўра турар жойлар маҳалла марказларига айлантирилганда аҳоли сони 3000 гача бўлиши лозим. Бундай вазият кичик шаҳарларда кузатилиши мумкин аммо ҳозирда маҳалла таркибига 2-5 мингдан ортиқ аҳоли бириктирилган бўлиб микротуман даражасига мос келади. Ҳар бир маҳалла ўз маҳалла марказига эга бўлиши лозим. Амалиёт шуни кўрсатадики кўпинча бир маҳалла марказида устахоналар, маданий

[2] Исраилова Шахноза Азамжановнанинг “Маҳалла марказларини архитектуравий шакллантириш ” мавзудаги диссертатсияси (62бет) 2014 й.

объектлар, савдо ва дам олишга оид бўлимларига эга бўлиши мумкин. Бундай ҳол кўп қаватли биноларда кўзга ташланади. Хусусий кам қаватли биноларда чойхона ва бошқа хизмат курсатиш объектларни қурилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини режалаштириш ва ташкил қилиш. Ш.Н.Қ. 2.07.04-06 4-жадвал

Кундалик хизмат кўрсатадиган маданий-манший максаддаги объектлар муассасалари рўйхати

№№ т/р	Муассасалар номи	Хизмат кўрсатиш радиуслари, м.
1.	Маҳалла маркази А. Маҳалла қўмитаси идораси Б. Дам олиш ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти учун хоналар (видеозал, ўйин автоматлари)	300-500 300-500
2.	Чойхона	500-700
3.	Саргарошхона	500-700
4.	Пойафзални таъмирлаш пункти	600-750
5.	Дорихона дўкончаси	500-700
6.	Озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони	500-700
7.	Мавсумий савдо учун айвон (бозорча)	500-700

Норматив ҳужжатларни ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики кўп сонли аҳолига эга бўлган жойларда маҳалла марказларини (“маҳалла қўмитаси”) тузиш учун ҳеч қандай лойиҳа ишлаб чиқилмаганлиги учун маҳалла марказлари бирон бир бино таркибида жойлашган.

Мутахассислар фикрига кўра маҳалла маъмурияти атрофида қуйидаги бинолар жойлашиши керак:

- Таянч пункти;
- Паспорт столи;
- Ижтимоий таъминот бўлими филиали;
- Ижтимоий маданий объектлар фаолиятини текширувчи хона;

Инженерлик тизимларини, сантехника ускуналарни таъмирлаш учун навбатчи усталар зарурлигини мутахассислар алоҳида таъкидладилар.

5-жадвал

Маданий-маиший мақсаддаги объектларнинг тавсия қилинадиган рўйхати ва уларнинг посёлкаларда жойлаштирилиши юзасидан таклифлар

№ т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		100-200	201-500
1	2	3	4
1.	Маҳалла маркази	1 объект	1 объект
	Маъмурий хона	48 м ²	60 м ²
	Зал - универсал (спорт; тантанали тадбирлар; ракс майдончаси)	50/100-70/100 киши/м ²	100/150-150/150 киши/м ²
	Чойхона	6-8 киши	10-15 киши
	Обишон новвойхонаси	24 м ² -24 м ²	24 м ² - 24 м ²
	Қандолатчилик маҳсулотлари	24 м ² -24 м ²	24 м ² -24 м ²
	Якка тартибдаги буюртмалар пункти	12 м ² -12 м ²	12 м ² -12 м ²
	Қундалик эҳтиёждаги моллар дўкони	12-15 м ² савдо зали 12-15 м ² омборхона	12-15 м ² савдо зали 12-15 м ² омборхона
2.	Тиббий блок Терапевт - кенг профилдаги шифокор; Патронаж ҳамшираси; Тип шифокори; Акушер-гинеколог; Лаборатория	60 м ² Қ12 м ² кабинет 24 м ² 24 м ² 24 м ² 24 м ²	60 м ² Қ12 м ² кабинет 24 м ² 24 м ² 24 м ² 24 м ²
3.	Маиший хизматлар блоки: Сартарошхона; Тикувчилик устaxonаси.	36 м ² 36 м ²	36 м ² 36 м ²

11-жадвал

№ т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		501-1000	1001-1500
1	2	3	4
1.	Қуйидагиларни ўз ичига олган маданий- маъмурий марказ: а) Маъмурий хоналар; б) Зал - универсал; в) Чойхона обишон новвойхонаси, қандолат- чилик маҳсулотлари ва қундалик эҳтиёждаги моллар дўкони билан	78 м ² 150-200 киши 20-25 киши 72 м ²	100 м ² 250-400 киши 35-40 киши 108 м ²
2.	Офис (алоҳида қурилган бино)	50 м ²	50 м ²
3.	Дорихонаси ва стационари бўлган тиббий пункт 2-вариант - фельдшер хонадонидagi тиббий пункт	ҳисоб-китоб бўйича топширикка кўра	ҳисоб-китоб бўйича топширикка кўра

Ҳозирги кунда ўрта қаватли бинолардаги маҳалла марказларида Хусусий мулкдорлар ширкати жойлашган бўлиб унда бухгалтерия хизматлари, усталар хонаси, анжомларни сақлаш хонаси мавжуд.

6-жадвал

№ т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		501-1000	1001-1500
1	2	3	4
4.	Маиший хизмат кўрсатиш уйи	4-5 турдаги хизматлар	5-7 турдаги хизматлар
5.	Сартарошхонаси ҳам бўлган ҳаммом (вариант - уй қошида)	5 нафар ташриф бўйрувчи	10 нафар ташриф бўйрувчи
6.	Дўкон - савдо нукталари	аралаш савдо 5- 20м2, уй қошидаги савдо нуктаси	супермаркет 72-100 м2

12-жадвал

№ т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		1501-2000	2001-3000
1	2	3	4
1.	Маъмурий марказ	бир бино	
2.	Қуйидагиларни ўз ичига олган маданий-қўнғил очилиш маркази: а) Тўғараклар; б) Томоша зали – универсал в) Ўқув зали бўлган кутубхона	4-5 хона 400-600 ўринлик 5000 том	10 кишигача 600-700 ўринлик 5000 том
3.	Маҳалла маркази	500 киши учун 1 та	
4.	Офис	топширикка кўра	
5.	Қуйидагиларни ўз ичига олган тиббий- соғломлаштириш маркази: а) Диагностика поликлиникаси; б) Тиббий пункт; в) 15-20 койкали касалхона; г) Дорихона; д) Профилактория	хўжалик учун 1 та (топширикка кўра)	
6.	Саноат моллари савдо маркази, ҳамма турдаги хизматлар кўрсатиладиган супермаркет (якка тартибда хизмат кўрсатадиган павильонлари ҳам бўлиши мумкин)	Умумий талаб килинадиган савдо майдони 600 800	
7.	Чойхона обинон новвойхонаси, сомсапазлик цехи ва буюртмалар қабул қиладиган пункти билан	100 ўринлик чойхона цех 100 м2	200 ўринликкача бўлган чойхона цех 100 м2
8.	Ҳамма турдаги хизматлар кўрсатиладиган маиший хизмат кўрсатиш уйи	25-30 ўринлик	35 ўринликкача
9.	Олиедан келганлар яшайдиган уйи бўлган бозор	20-25 та савдо ўрни 10-15 та ўрин	30 тагача савдо ўрни 15 тагача савдо ўрни

7-жадвал

№ т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		1501-2000	2001-3000
1	2	3	4
10.	Спорт иншоотлари: стадион, бассейн, спорт зали	ўртача, ядро 10x20 м2 12x24 м2 барча ёрдамчи хизматлар билан)	
11.	Кичик посёлкалар билан диспетчерлик алоқасига эга ёнғинга қарши кураш депоси	1 машина	2 машинагача
12.	Кичик посёлкаларга ҳам чиқиб келиш имкониятига эга болаларнинг сут ошхонаси	бир суткада 200-250 порция	бир суткада 300 порциягача

13-жадвал

№ т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		3001-5000	5000 ва ундан кўп
1	2	3	4
1.	Матмурий марказ. Маданий-маърифий марказ билан бирлаштирилиши ҳам мумкин	идора, 700 ўринлик универсал зал, 20 кишининг ташриф бўйишига мўлжалланган туғарақлар хоналари	идора, универсал зал, туғарақлар хоналари блоки, жамоатчилик ташкилотлари блоки, спорт блоки.
2.	Тиббий-соғломлаштириш маркази: Диагностика поликлиникаси; Касалхона Дорихона Кичик посёлкаларга ҳам чиқиб келиш имкониятига эга болаларнинг сут ошхонаси Поликлиника қошидаги узокдан келганлар учун маслаҳатчилик хизмати ҳам бўлган даволаш-соғломлаштириш блоки Туғруқхона	200 кишининг ташриф бўйишига мўлжалланган 35 койка топирикка кўра бир суткада 500 порция 100 киши 50 ўрин	200 кишининг ташриф бўйишига мўлжалланган 40-50 койка бир суткада 500 порция 200 киши 50 ўрин
3.	Савдо маркази: Озиқ-овқат моллари саноат моллари Супермаркет Чойхона Қаҳвахона Қандолатчилик маҳсулотларига бўйртма бериш пункти, обинон, сомса	400 м2 100 м2 100 м2 250 ўринлик 50-75 ўринлик 200 м2	500 м2 100 м2 100 м2 300 ўринлик 100-150 ўринлик 200 м2
4.	Маиший хизмат кўрсатиш уйи	35 ишчи ўринлик	35 ишчи ўринлик
5.	Олидан келганлар яшайдиган уйи бўлган бозор	100/40 та савдо ўрни	150/50 та савдо ўрни

Мутахассислар фикрича маросимларни ўтказиш учун катта зал зарурлигини таъкидлаганлар. Савдо корхоналари ва хизмат кўрсатиш

шаҳобчалари маҳалла маркази таркибида жойлашган бўлиши ва уларнинг номенклатураси марказнинг жойлашишига боғлиқ. Шунинг учун келажакда маҳалла марказларини (гузарларини) лойиҳалашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- Микротуман даражасида бўлган маҳалла марказларини ташкил этишда КМК 2.07.01 – 94 архитектура - қурилиш талабларига ўзгартириш кириш;
- аввалда мавжуд биноларда марказларни ташкил этишда мавжуд ижтимоий инфратизимни ҳисобга олиш;
- янги уй жойларни лойиҳалашда марказлар яъни “турар жойларни марказларга, маҳалла қўмиталарига айлантириш” тизимини кўзда тутиш.

Аҳоли сони 2000 ва ундан ортиқ бўлганда анъанавий маҳалла марказлари ташкил этилади. Бунда маҳалла маркази вазифасига фақатгина маъмурий масалаларни ечиш киради.

Шундай қилиб, мавжуд маҳалла турларин ўрганиш натижасида қуйидаги маҳалла турлари аниқланди:

I - Аҳоли сони 2000 гача бўлган маҳалла марказлари;

II -Аҳоли сони 2000 дани 10000 гача бўлган маҳалла маъмурий марказлари;

III -Микро маҳалла марказлари;

1-Тур - Аҳоли сони 2000 та бўлган маҳалла марказларига айлантирилган турар жойлар. Улар қуйидагилардан иборат

-Маъмурий;

-Дам олиш учун;

-Иш фаолияти учун

Маъмурий қисмнинг таркиби ва майдони:

- Зал, даҳлиз - 6-10 м²

- Маҳалла қўмитаси раиси хонаси- 16- 20 м²

- Маҳалла қўмитаси секретари- 14 -16 м²

- Аёллар маслаҳатхонаси- 16 -20 м²

- Милиция инспектори хонаси- 14 -16 м²

- Посбонлар хонаси- 16 -20 м2
- Сан.Узел – 3-4 м2

Дам олиш қисми

А) Фаол бўлмаган дам олиш қисми:

- Зал, олдқи қисм, гардеробли даҳлиз - 30 - 34 м2
- Чойхона зали - 50 - 60 м2
- Тамаддихона - 6 - 8 м2

Б) Фаол дам олиш бўлими:

- Теннис ўйнаш учун жой - 20 - 25 м2
- Биллиард хонаси - 20 - 25 м2
- Шахмат ва шашка ўйнаш хонаси - 14 - 16 м2

В) Дам олиш ва индивидуал ҳолда овқат тайёрлаш хонаси:

- Ошхона -10 -12 м2
- Дам олиш ва аҳолини қабул қилиш хонаси - 2 х 16= 32 м2
- Қаттиқ ёқилғи маҳсулотларини сақлаш хонаси - 16 м2

Д) Идиш товоқ ва анжомларни сақлаш учун:

- Мебелларни сақлаш омбори - 40 - 50 м2
- Идишларни сақлаш учун - 15 - 20 м2
- Аза маросими анжомларини сақлаш учун - 10 - 15 м

Ҳаммаси: 65 - 85 м2

Умумий: 243- 291 м2

8-жадвал

№ т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		3001-5000	5000 ва ундан кўп
1	2	3	4
6.	Миллий типдаги хаммом, сартарошхона, уқалаш хизмати, даволаш хоналари билан	бир сменада 15-20 киши	бир сменада 20-25 киши
7.	Спорт иншоотлари	спорт комплекси	спорт комплекси
8.	Кичик посёлкалар билан диспетчерлик алоқасига эга ёнгинга қарши кураш депоси	2 машина	2 машина

УзЛИТИ томонидан Ўрта Осиё шаҳарлари учун лойиҳаланган турар жой биноларининг лойиҳаларида 2000 сонли аҳолига эга маҳалла марказлари 2 қисмли бинодан иборат бўлган ҳолда ишлаб чиқилган. Клуб майдони 50 м² бўлиб унинг таркибида маҳалла қўмитаси, аёллар маслаҳатхонаси, болалар хонаси (25 -20 м² дан), сураҳона бор. Хўжалик қисмида ошхонага эга бўлган чойхона зали 32 м² бор. Шунингдек лойиҳада турли мақсадларда фойдаланиш учун масалан, кўп сонли меҳмонларга мўлжалланган маросимларни ўтказиш учун жой, дам олиш ва хўжалик учун мўлжалланган бўлимлар назарда тутилган. Қурилиш майдони тахминан 420 м² ташкил этади, маҳалла марказининг умумий майдони 1 - 1,5 м².

Ушбу қоидаларга таянган ҳолда ва аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, таклифларини билиб, ўрганиб чиққан ҳолатда қўшимча тарзда чет эл тажрибаларини ўрганиб уларни керакли қисмини олган ҳолда, барча талабларни инобатга олган ҳолда лойиҳалаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар биз юқорида санаб ўтилган талаблар бўйича маҳалла марказларини лойиҳаласак, ўша маҳалла ва шу жойда истиқомад қилувчи аҳоли фаровонлиги ва равнақи учун муносиб ҳисса қўшган бўлиб чиқамиз.

3. Маҳалла марказларининг архитектуравий-лойиҳавий ечимлари таҳлили.

Маҳалла марказларини шаклланишининг илк давридан то ҳозирги кунга қадар ривожланиши, архитектуравий-лойиҳавий шаклланишини, илк босқичларидан бошлаб таҳлил қилиб кўрамиз.

Бизга маълумки маҳалла марказлари дунёда фақатгина айрим давлатларда шаклланган жамоат маркази ҳисобланади. Бу жамоат маркази мусулмон давлатларда кенг тарқалган ҳисобланиб унинг ривожланиш босқичлари динга бориб тақалишини айрим маълумотлар кўрсатади. Маҳалла сўзининг келиб чиқиши ҳам шу билан боғлиқ. Маҳалла марказларининг ривожланиши тарихига муроҷат қилсак, маҳалла марказининг асосини маҳалла масжиди ёки мадрасалар ташкил қилгани аниқлашимиз мумкин. чунки Маҳаллада бундай бўлишининг сабаби аҳолининг динига ва менталитетига узвий боғлиқдир.

Масжид биноси аҳолининг маркази бўлиши у ерда инсонларнинг кўп йиғилиши сабаб бўлса керак. Шундан келиб чиқган ҳолда масжид атрофини бозорчалар, хунарманд уста хоналари, сартарош хоналар ва шу каби бир қанча хизмат кўрсатиш шаҳобчалари эгаллаган. Масжид биносининг яна бир муҳим жиҳати у ерда муҳим хабарлар маълумотлар халқга етқазилиб турилган. Масжид минораси фақатгина азон чақиришга хизмат қилмасдан ғавқулотда ҳолатларда масалан уруш ҳавфи сезилган ҳолатларда халқга етқазилган.

Мадраса биноси эса маҳалла марказининг асосий ривожига ҳисса қишган яна бир ўчоқ ҳисобланади. Мадрасада илгариги даврда ҳам дунё ҳам диний илмдан ёшлар ва ёши катталар таълим олишган. Мадрасада ётоқхонаси ҳам мавжуд бўлган ва бу эса ўз навбатида уларнинг моддий ва маиший эҳтиёжларини қондиришларига тўғри келган. Эҳтиёждан келиб чиқган ҳолда мадраса атрофида дўконлар, савдо бозорчалари, хунармандчилик устахоналари, ҳар хил маиший хизмат кўрсатиш турларини кўпайишига олиб келган.

Бу жараён асирлар давомида шакилланиб ривожланиб бораверган ва марказнинг ривожланиши оқибатида маҳаллалар кенгайиб бориб катта бир марказга марказнинг ривожланиб бориши шаҳарчанинг вужудга келишига олиб келган. Маҳалла маркази аҳолига нима учун керак деган савол туғулиши табиий дир. Маҳалла маркази аҳолининг табиий танлови оқибатида яни хошиш эҳтиёжидан келиб чиқган ҳолда шакилланган. Инсонлар маҳалла марказларида манавий-маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида йигиғиб туришган. Ўзбекистон ҳудудини олиб қарасак Илгариги даврларда маҳалла марказларида ҳар хил ўйинлар полвонлар кураши, дорвозларнинг дор устидаги томошалари ва шунга ўхшаш бир қанча кўгил очар ўйинлар ўтказилган.

Ривожланиш оқибатида маҳалла марказларининг энг тез ривожланиб борган қисми бу гузардаги чойхоналардир. Чойхонада кўпинча оталар чой ичиб таом тайёрлаб шу жойда ҳордиқ чиқаришган. Чойхона атрофида ҳар хил хизмат турлари шакиллана бошлагани тарихдан маълум. Маҳалла марказининг ривожланишига шаҳарсозлик нуқтаи назаридан қарасак энг қулай жой бу асосий кўчалар кесишмалари яни чорраҳалар ва асосий йўлнинг юзалари қулай жой саналган бу табиий танлов асосида шакилланган фактдир.

Ҳозирги кунга келиб бу ривожланишнинг асосий ўчоғи бўлиб, маҳалланинг раиси яъни маҳалланинг маъмурий маркази эгаллади. Чунки маҳалла марказининг бундай шакилланиши табиий танлов асосида шакилланган маҳалладаги аҳолининг моддий ва маънавий аҳолини ўрганадиган ва уларга моддий ёрдам маънавий ёрдам бериш ва бирқанча хизматларни таклиф қила оладиган жой ҳисобланади. Маҳалла марказларидаги хизмат кўрсатиш биноларининг тархий ечимларини қараб чиқадиган бўлсак, уларнинг ҳар бири ўзига хос равишта шакилланганини гувоҳи бўлдик. Чунки тархий ечимлар шу бинонинг жойлашган иқлимий ўрнига қараб шакиллана борган. Бунда бинонинг хизмат кўрсатиш турига қараб функционал шаклланиши жуда қизиқ болганлигини гувоҳи

бўлдим. Мен ўзим илмий изланишлар ва маҳалла марказларида ўтказилган сўровлар натижасида шуларни гувоҳи бўлдимки, маҳалла марказларининг ҳозирги кундаги ҳолатидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳеч бир маҳалла фуқаролар йиғини лойиҳа асосида қурилмаганига гувоҳи бўлдим. Уларнинг кўпчилиги халқнинг ўзи хашар йўли билан қурганлигини такидлашди. Хар бир маҳалла фуқаролар йиғинининг тарҳига этибор берсак уларда узвий боғланиш ва хоналарнинг етишмаслиги яққол сезилиб турибди. Биноларнинг тарзий кўринишига эътибор берсаб ўзини функцияси жиҳатидан характерга эга эмас ва тарз қисмидаги элементлат тартибга солилмаган ҳолдалигини кўрдим.

35-расм. Ўнқўрғон қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини биноси тарзи:



Бу бинонинг тарз қисмида ҳам юқорида санаб ўтилган камчиликларни кўришимиз мумкин. Бинонинг қулайлик томони шундан иборатки асосий йўлнинг ёқасида жойлашганидир. Лекин айрим аҳоли турар-жойларидан узоқда жойлашгани аҳолининг айрим қисмига ноқулайликлар туғдиради.

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин аммо қилинган таҳлиллар шуни кўрсатадики хар бир маҳалла фуқаро йиғинларини ва унга нисбатан жойлашган хизмат кўрсатиш биноларини аҳолининг минталитетидан ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳа асосида қурилгани мақсадга мувофид бўларди.

II боб бўйича хулоса.

Иккинчи бобда кўриб чиқилга маълумотлардан келиб чиқган холда шуларни хулоса сифатида айтиб ўтиш мумкин. Хар бир маҳалла марказларининг шаклланиши ва ривожланишига иқлимнинг таъсири, шу худуднинг жойлашган ўрни ва минталитетга боғлиқ эканлигини кўриб чиқилди. Шундай келиб чиқган холда маҳалла марказини лойиҳалашдан олдин шу омилларни ҳисобга олган холда шу худудни яхшилаб ўрганган холда лойиҳалаш мақсадга мувофиқ дир. шу асосида маҳалла фуқаролар йиғини ва унинг атрофидаги хизмат кўрсатиш биноларини лойиҳалашга бўлган талаблар юзага келади. Хар бир бино лойиҳалашдан олдин унга асосий талаб қўйилади яни функционал талаб, шундан келиб чиқган холда бошқа хизмат кўрсатиш биноларига бўлган талаб ўзининг функциясига қараб ўзгаради. Шахарсозлик нормалари ва қоидалари ва қурилиш мейёрлари ва қоидалари номли мейёрий ҳижжат асосида бу жараён амалга оширилади. Маҳалла марказларининг архитектуравий-лойиҳавий ечимлари таҳлили шуни кўрсатдики Тошкент Вилояти Қибрай туманидаги айрим ўрганилган тадқиқод объектлари яъни маҳалла фуқаролар йиғини ва унга нисбатан жойлашган хизмат кўрсатиш биноларининг ҳажмий фазовий ечимини таҳлил қилган холда уларда мавжуд камчиликларни кўриб ўрганиб хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки лойиҳалаш жараёнида маҳалланинг марказини нафақат тарҳий ечимини балки фазовий муҳитини ҳам шакллантира олиш керак чунки маҳалланинг юзи ҳисобланган маҳалла маркази шу маҳалланинг кўрки бўлиши лозим. Маҳалла марказини фазовий композициясини ансамбил холда шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади деб ҳисобланади.

III боб. Қибрай тумани бўйича маҳалла марказларининг ривожланиши учун таклифлар ва лойиҳавий ечимлар.

1. Маҳалла марказларининг ривожлантиришнинг турли усуллари.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриши жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан бири маҳалланинг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигига эришганидан сўнг маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Фуқаролик жамиятлари институтлари тизимида ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла) нинг ўрни бекиёсдир. Чунки, бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, маҳалла институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, аҳолини бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда. Айниқса, халқимизнинг урф одатлари, анъана вақадриятларини сақлаб қолиш, одамларни жипслаштириш, улар ўртасида меҳр оқибат туйғуларини кучайтириш омили сифатида майдонга чиқмоқда. Қадимдан мамлакатимиз ҳудудида халқимиз маҳалла маҳалла бўлиб яшашган. Маҳаллалар марказларида маҳалла гузарлари иш юритган. Мамлакатимизда ўрта ҳисобда 10 мингга яқин маҳаллалар мавжуд. Ҳар бир маҳаллада Гузар (маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш биноси, савдо маиший хизмат кўрсатиш маркази ва ҳ.) мавжуд бўлиб, улар шу маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатади.

Маҳалла маркази Гузар жамоат бинолари таркибига кирувчи, маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатувчи бино ҳисобланади. Ҳозирги даврга келиб, маҳалла гузарлари универсал жамоат биноси ҳисобланиб, у бир қанча функцияларни ўз ичига қамраб олади. Гузарлар таркибида маъмурий хўжалик бўлими, савдо, маиший хизмат кўрсатиш бўлими, томоша кўрсатиш бўлими ва ўқув тарбия бўлимлари бўлади.

Маҳалла маркази Гузар Ўзбекистоннинг IV иқлим райони шароити учун сейсмикани ҳисобга олиб лоиҳаланади ва барча иқлим хусусиятларига

,турмуш анъаналарига ва бошқаларга максимал жавоб бериш керак. Маҳалла аҳолисининг ишдан, ўқишдан бўш вақтларида Гузарда ўтишини назарда тутиб, бу биноларга юқори қулайлик ва мақбул шароит яратиш лозим.Бунда маҳалла Гузарининг архитектуравий режавий ечимлари иқлимнинг табиий омилларидан максимал даражада фойдаланишга асосланиши керак,яъни самарали шамоллатиш,табиий ёритилиши ва ҳ. Гузарларнинг архитектурасини турли композицион усуллар, функционал ва конструктив ечим шакллари органик келтириб чиқариш, қуёшдан ҳимояловчи воситалар қўллаш, рангни киритиш, тўсувчи конструкциялар ва деталларнинг пластикадан фойдаланишлари мумкин.

Маҳалла марказларининг ривожланишининг турлича усуллари мавжуд бўлиб, буни Тошкент вилояти Қибрай тумани мисолида кўрсак бу туманда маҳалла марказлари асосан аҳоли сонининг ўсишига қараб ривожланиб боради. Маҳалла марказларининг ривожига ижтимоий, иқтисодий, географик ва шаҳарсозлик ва бирқанча омилларнинг таъсирини кўришимиз мумкин.

Ривожланишининг асосий усулларида бири бу иқтисодий бўлиб, бу аҳолининг ривожланишида катта ўрин эгаллайди. Чунки аҳолининг ривожланишига иқтисодий аҳволи катта рўл ўйнайди. Хозирги кунда ишлаб чиқариш соҳасига катта этибор берилишининг сабаби ҳам аҳолининг моддий базасини яхшилаш чунончи маҳалла аҳолиси моддий жиҳатдан бой бўлса, у маҳалла ривожланиши тез суратларда кўтарила бошлайди. Шу сабабли аҳоли пунктларида ишлаб чиқариш соҳасига бўлган этибор кундан кун юксалиб бормоқда, аҳолини иш билан таъминлашга бевосита боғлиқ. Географик жойлашувига қараб ҳам ривожланиш юксалиб боради. Масалан Тошкент вилояти Қибрай тумани географик жойлашуви ерининг унимдор ва хосилдорлиги аҳолининг боғдорчилик мева сабзавот етиштириш билан шуғулланиши шу ернинг ривожланишига таъсир кўрсатади.Бу аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш билан ва шу ернинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолатдир.

2. Маҳалла марказларининг архитектуравий-бадий ечимларига таклифлар.

Маҳалла гузари таркиби маъмурий хўжалик бўлими, савдо,маиший хизмат кўрсатиш бўлими, таълим,тарбия бўлимларидан иборат. Маъмурий хўжалик бўлими маҳалла оқсоқоли хонаси, хотин қизлар кенгаши хонаси, мажлислар зали, милиция таянч пункти, ”Камолот”ҳаракати аъзолари хонаси, тиббиёт хонаси ва ҳ.иборат. Савдо, маиший хизмат кўрсатиш бўлими чойхона, савдо дўкони, нонвойхона, сартарошхона, оёқ кийим тузатиш устахонаси, аптека ва ҳ иборат. Таълим тарбия бўлими эса турли тўғарак хоналари, кутубхона, рақс ўргатиш хонаси, спорт зали ва ҳ.хоналаридан иборат.



36-расм. Маҳалла гузарининг бўлимлари.

Маҳалла гузари 1 2 қаватли,айрим ҳолларда 3 қаватли қилиб лойиҳаланади. Гузар биноларини блокли композиция асосида лойиҳалаш мақсадга мувофиқдир. Асосий вестибюль турли кўргазмалар,”Келажак овози”ва ”Янги авлод” конкурсларини ўтказиш учун кенгроқ қилиб лойиҳаланади. Бино кўринишида ўзбек миллий анъаналарини, қадриятларини акс эттириши лозим. Лойиҳалаганда миллий архитектуравий шакллардан ва бадиий безакларни қўллаш мумкин.


37-расм. Маҳалла гузарининг лойиҳа институтлари томонидан берилган таклифий лойиҳаларни кўришимиз мумкин бўлади:

500 аҳоли сонига мўлжалланган маҳалла маркази (Гузар)

Бинонинг олд томонидан кўриниши




Девор режаси



Хоналар ўлчами

Хона т/р	Номланиши	Майдони, М²
1	Чойхона	26.5
2	Ёзги ўрин	86.1
3	Чойхона ёрдамчи хонаси	9.1
4	Санитария бўлмаси	3.4
5	Электрик хонаси	6.0
6	Иссиштиш хонаси	6.0
7	Дўкон ёрдамчи хонаси	10.3
8	Аралаш моллар дўкони	22.5
9	Сартарошхона (Аёллар)	16.8
10	Сартарошхона (Эркеклар)	15.2
11	Дорихона	15.7
12	Ёрдамчи хона	5.2
13	Пойафзал таъмирлаш устaxonаси	7.2
14	Тиббий хизмат кўрсатиш пункти хонаси	14.6
15	Тамбур	4.8
16	Ҳисобхона	8.4
17	Маҳалла кўмитаси раисининг хонаси	14.0
18	Бостирма	84.6
19	Нонвойхона	13.1
20	Ўчоқ хона	9.5



Асосий кўрсаткичлар

Умумий майдони (Ёзги ўрин ва бостирмасиз)	- 222.0 м²
Умумий майдон (Ёзги ўрин ва бостирма)	- 170.7 м²
Қурилиш майдони	- 430.56 м²
Қурилиш ҳажми	- 1133.28 м³


Бинонинг умумий кўриниши



Барча маълумотларни кўриб ўрганиб чиқган холда ўзимнинг шахсий фикрларимдан келиб чиқган холда 2000 дан ошиқ аҳолига молжалланган ва 5000 дан ошиқ аҳолига молжалланган маҳалла марказининг лойиҳавий таклифларини кўриб чиқамиз:



Маҳалла марказининг фазовий кўриниши.



Бош тарх.

Қайднома:


1.Маҳалла маркази; 2. Айвон; 3. Туалет; 4. Омборча;



Маҳалла марказининг олд тарзи.



Маҳалла марказининг фазовий кўриниши.



ЭКСПЛИКАЦИЯ ПОМЕЩЕНИЙ

Номер пом.	Наименование	Площадь м ²
1	Тамбур	5.80
2	Вестибюль	36.40
3	Коровул хона	5.70
4	Ёнгин-хавфсизлик хонаси	5.70
5	Коридор	20.80x2
6	Раис уринбосари- ёшлар масалалари буйича хонаси	15.45
7	Раис уринбосари- диний-маърифий масалалари буйича хонаси	15.45
8	Кенгаш раисининг 1-уринбосари хонаси	16.30
9	Раис уринбосари-кексалар ва фахрийлар ишлари буйича хонаси	14.60
10	Бош мутахассислар хонаси	15.20
11	Бош мутахассислар хонаси	15.70
12	Ташкилий-услубий шуъба хонаси	16.00
13	Ташкилий-услубий шуъба хонаси	15.00
14	Маънавий - маърифий тадбирлар утказиш учун зал 100 урипти	126.00
15	Козонхона	8.60
16	Омборхона	10.90
17	Йулак	4.30
18	Ноғиронлар хожатхонаси	5.00
19	Аёллар хожатхонаси	2.30
20	Анжомлар хонаси	2.30
21	Эркалар хожатхонаси	2.30
22	Тадбиркорлик ривожлантиришга кумаклашиш, хотин-кизларни ижтимоий куллаб-қувватлаш буйича маслаҳат маркази	24.80
23	Кутубхона	24.80
24	Маҳалла фонди ходимлари хонаси	15.45
25	Ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш гуруҳи	15.45

81



Маҳалла марказининг фазовий кўриниши.



Маҳалла марказининг олд тарзи.

1-Қават тархи



2-Қават тархи




Хоналар қайдномаси

Хона т/р	Номлашиши	Майдони м2
"Мақалла маркази"		
1	Ошиқ ошқат дўкони	
2	Ховжат хона (эркаклар)	
3	Ховжат хона (айёллар)	
4	Иш бошқарувчи хонаси	
5	Омборхона	
6	Замонавий чойхона	
7	Овқат тайёрлаш жойи	
8	Омборхона	
9	Иш бошқарувчи хонаси	
10	Ховжат хона (эркаклар)	
11	Ховжат хона (айёллар)	
12	Зинахона	
13	Зинахона	
14	Коридор	
15	Маънавий - маърифий тадбирлар ўтказиш учун зал	
16	Ховжат хона	
17	Коопихона	
18	Кутубхона	
19	Таъдбиркорлик ривожлантиришга қўмаклашиш, хотин-қизларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича маслаҳат маркази	
20	Ранс уринбосари- диний-маърифий масалатлари бўйича хонаси	
21	Ранс уринбосари- ёшлар масалалари бўйича хонаси	
22	Кенгаш раёсатининг 1-уринбосари хонаси	

Хоналар қайдномаси

23	Таъдбиркорлик ривожлантиришга қўмаклашиш, хотин-қизларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича маслаҳат маркази	
24	Мақалла раёси ва котиба хонаси	
25	Зинахона	
26	Зинахона	
27		
28	Ховжат хона (эркаклар)	
29	Ховжат хона (айёллар)	
30	Хушроқчилик устaxonиси тўғриси хонаси билан	
31	Хушроқчилик устaxonиси тўғриси хонаси билан	
32	Коридор	
33	Жам олин жойи	
34	Медавар уйи	
35	Эркаклар сартарошхонаси	
36	Маънавий хизмат буюмлари устaxonиси	
37	Оёқ юйим тузатиш устaxonиси	
38	Аёллар сартарошхонаси	
39	Коридор	
40	Диндорликчилик устaxonиси тўғриси хонаси билан	
41	Ховжат хона (эркаклар)	
42	Ховжат хона (айёллар)	
43	Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	
44	Коридор	
45	Ўқув кўрсатки хонаси	
46	Ховжат хона (эркаклар)	
47	Ховжат хона (айёллар)	
48	Ўқув кўрсатки хонаси	
49	Ўқув кўрсатки хонаси	

Қирқим 1-1



Қирқим 2-2



III боб бўйича хулоса.

Магистрлик диссертацияга қўйиладиган талабларга асосан Тошкент вилояти Қибрай туманидаги маҳалла марказларининг архитектуравий шаклланиши ечими билан боғлиқ масалалар юзасидан илмий тадқиқотлар ўтказилди. Сўнги йилларда Тошкент вилояти Қибрай туманидаги бир хил турдаги, бир-биридан кам фарқ қиладиган маҳалла марказлари бинолари ўрнини алоҳида хусусиятларга эга бўлган, олд қурилиши кўркам, архитектура талабларга жавоб бера оладиган бинлар эгалламоқда. Халқ меъморчилиқ санъатида ҳамма вақт табиий иқлим шароит, атроф муҳит ландшафти ҳисобга олинган. Натижада маҳалла бинолари қурилиши асрлар ўтиши билан жуда кам миқдорда ўзгарган. Маҳалла марказларини (гузар) лойиҳалашда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган норматив ҳужжатдаги талабларга ҳам қатъий риоя қилиш керак. Норматив ҳужжатда бажарилиши шарт бўлган ва тавсия этилган қоидалар баён этилган. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарларида ва қишлоқларида қуриладиган маҳалла марказларининг лойиҳаларини ишлаб чиқаётганда регионларнинг табиий иқлимий хусусиятларини, маданий анъаналари, уларнинг одатларини ҳамда талаб эҳтиёжларини ҳисобга олиш керак. Жамоат биноларини лойиҳалаш ишлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг зоналарига бўлинишига мос равишда амалга оширилиши лозим. Хуллас, Тошкент вилояти Қибрай тумани аҳолиси учун дам олиш, харид қилиш, маиший хизматлардан фойдаланиш, меъморчилигимиз анъаналарига мувофиқ қиладиган ва шахримизнинг, қишлоқлариимизнинг ҳуснига ҳусн қўшадиган замонавий маҳалла марказлари билан таъминлаш олдимиздаги долзарб масалалардан биридир.

Шу билан бирга муаллиф томонидан ҳам лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқилди. Тавсия этилаётган маҳалла марказлари лойиҳаларида мажмуага катта эътибор берилган. Бу мажмуанинг ҳар бир хонасида миллийликни тарғиб қиладиган безаклар билан безатилган.

Якуний хулоса

Маҳалла марказларини шакллантиришнинг замонавий амалиётда режалаштириш ва ҳажмий-фазовий ечимлар, ифодали марказларни яратиш учун композициянинг турли хил воситаларидан кенг фойдаланиш, архигектуравий киёфанинг яхлитлиги ва тугаллигига интилиш, маҳалламарказлари ва уларнинг архитектуравий-режалаштириш ечимлари хилларини такомиллаштириш каби маълум бир прогрессив тенденциялар аниқланди.

Турли хил омилларнинг–маҳалла марказларининг хиллари, белгиланиши, ўлчами, юзага келган режалаштириш вазияти, жойнинг табиий шароитлари - йиғиндиси маҳалла марказининг ҳам жойлаштирилиши ва таркибини, ҳам унинг архитектуравий - режалаштириш тузилмасини белгилайди.

Хизмат кўрсатиш муассасаларининг ҳам бир турдаги, ҳам турли хиллардаги кооперациялашуви биноларнинг функционал имкониятларини бойитади, мослашувчан режалаштириш ва ҳажмли - жойли тузилмаларни яратиш учун, марказни қуришнинг ҳажми ва аҳамиятини оширишга замин тайёрлайди. Ҳар бир конкрет вазиятда муассасаларнинг зарурий таркиби васиғими билан объектларни қуришга имкон берувчи блокли режалаштириш тузилмалари ривожланишга эга бўлади.

Шуниси равшанки, марказ ансамблини яратишда катта муваффақиятга қурилиш учун конкрет жойни индивидуал лойиҳалаштиришда эришиш мумкин, бироқ, марказни шакллантиришдаги шаҳарсозлик усулларининг хилма -хиллигига асосланган типли лойиҳалар ҳам ижобий натижа бериши мумкин. Ягона архитектуравий калит билан битта лойиҳалаш ташкилотида ишлаб чиқиладиган мажмуавий серияли лойиҳаларни қўллаш янада прогрессив бўлиб ҳисобланади.

Маҳалла марказининг ечимида кўп нарса архитекторнинг усталигига, бутун ечимнинг яхлитлиги ва уйғунлигини таъминлай олишга - қурилишда устун ҳолатга эга бўлган объектни танлаб олиш ва унга

бошқаларни бўйсундиришга, ғоянинг тугаллилигига эришишга, архитектуравий ифодалилиكنинг барча воситаларидан фойдаланиш орқали уйғун композицияни яратишга боғлиқ бўлади.

Муаммонинг ечилиши мумкин бўлган имкониятларнинг бутун бир мажмуаси мавжуддир. Энг аввало, марказнинг жойлашувини ландшафтнинг ифодалилиги, қулай табиий шароитларга ёки гарихий диққатга сазоворжойларга устунлик бериш билан жойнинг потенциал эстетик фазилатларинихам, функционал карашларни хам эътиборга олган ҳолда танлаш керакдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Биринчи Президент Каримов И.А. – “Биздан озод ва обод Ватан қолсин!”. “Ўзбекистон” нашриёти. 1998 й.
2. Биринчи Президент Каримов И.А. – “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида”. “Ўзбекистон” нашриёти. 1998 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси.
6. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
7. Ўзбекистон Республикасининг деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонуни.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом”.
9. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325 сонли қарори билан тасдиқланган “Уй-жой ва уй-жой олди ҳудудларни сақлаш ва улардан фойдаланиш Қоидалари”.
10. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 27 майдаги 248-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини олиб қўйиш, уй-жой қурилиши, деҳқон хўжалиги юритиш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид

бўлмаган эҳтиёжлар учун ер беришга доир материалларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом”.

11. “Давархитектқурилиш” қумитаси томонидан тасдиқланган “Фермер хўжаликлари концепциясини амалга ошириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”

12. “Давархитектқурилиш” қумитаси томонидан тасдиқланган “Ҳудудларни режалаштириш, ривожлантириш ва қуришда шаҳарсозлик ҳужжатининг муаллифи томонидан шаҳарсозлик объектларини жойлаштириш учун ер участкаларини танланишини кўриб чиқиш ва келишиш Регламенти”.

13. Бош вазир ўринбосари томонидан тасдиқланган “Умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари тармоқларини ривожлантириш схемаларини кўриб чиқиш ва келишиш бўйича Республика ва ҳудудий комиссиялар иш Регламенти”.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шовкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4944-сонли Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А

Каримовнинг асарлари.

14. Каримов И.А- « Биздан озод ва обод Ватан қолсин”. “ Ўзбекистон” нашриёти. 1998 йил.

15. Каримов И.А- “ Ўзбекистон XXI аср бўсағасида”. “ Ўзбекистон” нашриёти. 1998 йил.

IV. Асосий адабиётлар.

- 16.** Убайдуллаев Ҳ.М. Ҳакимов.З. “Абадият билан бўйлашган маскан”.
“Мозийдан садо” 3(23). 2004 й.
- 17.** Убайдуллаев Ҳ.М. Иноғомов.Б.И. Толипов.К. “Маҳалла гузари –
маҳалла кўрки”. “Мозийдан садо” 3(27). 2005 й.
- 18.** Л.В.Перегудов, М.Х.Саидов, Д.Е.Аликулов “Илмий ижод
методологияси” “Молия” нашриёти. Тошкент – 2002 й.
- 19.** Г.А.Кузнецов, В.А.Кирсанов, П.К.Татур, М.В.Андришин,
Р.А.Тихомиров “Сельскохозяйственная районная планировка”.
“Колос” издательство Москва – 1966 г.
- 20.** А.В.Иконников, В.В.Артеменко, Г.И.Искржицкий. “Основы
градостроительства и планировка сельских населенных мест”.
“Высшая школа” Москва – 1982 г.
- 21.** В.С.Рязанова, Т.П.Клоковой, А.В.Востоковым. глава-
IV.“Планировка и застройка сельских населенных мест”. Москва–
1971 г.
- 22.** Т.Қодирова “Ўзбекистоннинг истиқлол йиллар меъморчилиги”
Тошкент 2004й.
- 23.** Убайдуллаев Х.М., Абдурахмонов Й.И., Хидоят Т.А. “Жамоат
бинолар типологияси” 1-қисм Тошкент 2000 й.
- 24.** Убайдуллаев Х.М., Абдурахмонов Й.И., Сетмаматов М.Б. “Жамоат
бинолар типологияси” 2-қисм Тошкент 2000 й.
- 25.** Убайдуллаев Х.М., Иноғомова М.М. “Турар жой ва жамоат
биноларини лойиҳалашнинг типологик асослари” Тошкент 2009 й.
- 26.** Типы общественных зданий и формирование центров сельских
поселков. М.: Стройиздат, 1975. - 91 с.

27. Кулага В.Л., Гикало Г.П., Гришин А.И. Здания общественных центров поселков. М.: Стройиздат, 1972. - 128 с.
28. Маханько Б.А. Проблемы переустройства села. Архитектура СССР, 1971, й2.
29. Маханько Б.А., Моисеева С.Б. Ансамбль общественного центра села. М.: Знание, 1976. - 64 с.
30. Маханько Б.А., Моисеева С.Б., Плотникова А.С. Архитектурно-планировочная структура общественных центров сельских поселков. М.: Стройиздат, 1982. - 108 с., илл.

V. Қўшимча адабиётлар.

31. Руководство по проектированию общественных центров городов, поселков и сельских населенных мест. М.: Стройиздат, 1982. - 79 с.
32. Притыкин В.П. Вопросы взаимосвязи композиции общественных центров сельских поселков и природного ландшафта. Автореферат диссертации канд.архит. М.: 1978.
33. ШНК 1.03.10-06 “Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини ташкил қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудини ривожлантириш ва қуришни режалаштириш бўйича лойиҳалаш-режалаштириш хужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, қилишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

34. ШНК 1.03.10-06 “Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини ташкил қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудини ривожлантириш ва қуришни режалаштириш бўйича лойиҳалаш-

режалаштириш хужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”

35.Магистрлик диссертациясини ёзиш, расмийлаштириш ва ҳимоя қилишга тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмалар. “Молия” нашриёти. Тошкент–1999 й.

36. ШНҚ 2.07.01-03*. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш. Тошкент 2009.

37.ШНҚ 2.07.04-06.Архитектурно – планировочная организация территории сельскохозяйственных предприятий. Тошкент 2006 г.

VII.Интернет сайтлар.

38. www.google.com

39. www.novostroy.su

40.www.dissercat.com

41.Научная библиотека диссертаций

и авторефератовdisserCat <http://www.dissercat.com/content/osobennosti-sovershenstvovaniya-oblika-selskikh-obshchestvennykh-tsentrov#ixzz2BQ78A4cr>
